




Одатий қутлуғ кунлар сирасида янгилик,
Ватаним, истиқлолинг бир бахтки, қувонгулик!
Туғронгда — ўзлик, туғинг — нилий рангда ёнгулик,
Тилагим — истиқлолинг умри бўлсин мангулик!



1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

Тасвир

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

№ № 69 — 70

(2606 — 2607)


1993 йил

3 СЕНТЯБРЬ

ЖУМА

СОТУВДА ЭРКИН
НАРХДА

Истиқлол байрами пойтахтимизда кенг нишонланди



БУ ЙИЛГИ истиқлол байрами ҳақиқатан ҳам юртимиз тарихида зарҳал варақ, элимиз қалбида ўчмас хотира бўлиб қолади. Айниқса, мамлакатимиз пойтахти — шаҳри азим Тошкентда бу кун ўзгача салоҳиятли кечди. Чунки худди шу куни Амир Темур руҳи шод бўлди: шаҳарнинг маркази ҳисобланмиш бобомиз номи билан аталаётган хиёбонда соҳибқироннинг маҳобатли ҳайкали қад ростлади. Ва яна

худди шу куни мавлоно Мирзо Улугбек ҳайкали ҳам тантанали очилди. "Туркистон" маданият саройининг рўйишида бевосита иштирок этганлар эса бинонинг пойтахтга кўрк бўлиб тушганига шак келтирмайдилар.

Тошкентда байрам тантаналари юқорида айтганимиздек, Соҳибқирон ҳайкалининг очилиши билан бошланди.

Бир тутам нокасларнинг

таъсири шунчалар кучли бўлдики, биз анчагача Темур авлоди эканлигимизни ошкора айтилмай келдик. Минг шукрки, бу кунлар ўтди. Ва шунинг учун ҳам ул зотни зиёрат этгани тумонат одам хиёбонга ақиб келди.


Ички ишлар идоралари ходимлари эса ҳар доимгидек хизматда бўлдилар.

— Бугун бизга, албатта, осон эмас, — дейди шаҳар ИИББ пост-патруль хизмати ходими, милиция старшинаси Мирзабахром Қурбонوف. — Бироқ осойишталик, жамоат тартибини сақлаш биринчи ғалдаги вазифамиз эканлигини яхши тушунамиз.

Байрам кутилгандек ўтди. Кўнгилга доғ туширадиган дилсиёҳликлар юзбермади. Бунда, энг аввало, республика ИИББ тезкор штаби раҳбарлик қилган ички ишлар идоралари барча ходимларининг хизмати жуда катта бўлди. Шу куни тезкор штаб ишига ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция генерал-майори Р. Абдуллаев бошчилик қилди.

Республикаимизнинг бош майдони ҳар доим жозибадор. Лекин байрам кунлари бу майдон, айниқса, янада чирой очди. Савдо расталари жой олган рангдор гумбазлар атрофида театрлаштирилган томошалар бўлиб ўтди. Томошабинлар кўз ўнгида мозийдан ва бугунги кунлардан дарак берувчи ажойиб манзаралар жилоланди. Майдон узра халқ куй-қўшиқлари янгради. Уларга замонавий вокал-чолгу дасталари ва ешлар гуруҳларининг чиқишлари уланиб кетди. "Баҳор", "Лазги", "Шодлик", "Тановор", "Ўзбекистон" ва бошқа кўплаб дасталарнинг чиқишлари санъат ихлосмандларининг олқишига сазовор бўлди.

Она юртимизда байрам тафти ҳали сўнггани йўқ. Ва у анчагача давом этади. Шуниси қувонарлики, бугунги кун келажакимизнинг ҳақиқатан ҳам порлоқ эканлигини исботлади. Одамларда эртанги кунга бўлган ишонч яна ҳам мустаҳкамланди.



Юртбошимиз кўрсатган йўл тўғри, бирдан-бир одил йўл эканлигига иймон келтирдик. Бу катта ютуқ!

Айни кунларда мамлакатимиз вилоят ва туманларида бир неча ўнлаб кичик ва кўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Халқ эҳтиёжини қондирадиган даражада маҳсулот ишлаб чиқариш суръатлари кундан кунга оширилмоқда.

Эришилаётган ютуқларнинг барчаси осойишталик туфайлидир. Бунда, унутмаслик керак, ички ишлар идораларида хизмат қилаётган мард йигит-қизларнинг ҳам ҳиссалари жуда каттадир. Уларнинг мақсади бир: юрт, эл тинчлигини таъминлаш.

С. НЕЛИН.

Суратларда: пойтахтда ўтган тантанадан лавҳалар.

Суратларни Х. ШОДИЕВ олган.

ТАНТАНА МАРОҚЛИ ЎТДИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида мустақиллик кунига бағишланган тантана бўлиб ўтди.

Унда республика ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-лейтенанти З.А. Алматов маъруза қилиб, мустақилликнинг тарихий аҳамияти, мамлакат о'сойишталигини сақлашда милиция ходимларининг шу кунларда олиб бораётган ишлари хусусида тўхталди. У сўзини якунлар экан, вазирилик ҳайъати ва шахсан ўз номидан йиғилганларни кутлуг айём билан муборакбод этди.

Сўнгра сўзга чиққан

истеъфодаги генерал-лейтенант Б. Сирожиiddинов ва бошқа ўртоқлар истиклол республикамиз ҳалқига озодлик наҳидасини бериб, эндиликда миллий маънавият юксалиб бораётгани, бунда о'сойишталик посбонларининг ҳам ҳиссалари бекиёслигини таъкидладилар.

ИИБ Ички қўшинлар бошқармаси бадий дастаси аъзолари ва Республикада кўзга кўринган бошқа санъаткорлар ижро этган куй ва қўшиқлар йиғилган меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Носир БУРХОНОВ,
милиция катта лейтенанти.



ҲАМ БАЙРАМ, ҲАМ ҚАСАМЁД

Республикамиз мустақиллигининг икки йиллиги Бухоро вилояти ички ишлар бошқармасида ҳам катта тантана билан нишонланди. Вилоят ИИБ бошлиғи, полковник М. С. Собиров йиғилган ички ишлар идоралари фахрийларини, жамоат ташкилотларидан таклиф этилган меҳмонларни ва тантанали равишда қасамёд қабул қилишга тўпланган ёш милиция ходимларини Республикамиз мустақиллигининг икки йиллиги муносабати билан самимий табриклади.

Ушбу кунда мустақил республикамиз дахслилигини, ҳалқимиз о'сойишталигини таъминлаш йўлида хизмат қилишга аҳд қилган 30 нафар ёш милиция ходимлари ҳалқ учун, Ватан учун ҳалол меҳнат қилишга, керак бўлганда жонларини ҳам аямасликларини билдириб, республикамиз байроғини ўпиб, қасамёд қилдилар. Ички ишлар идораларида хизмат қилиб, айни

пайтда қариллик гаштини сураётган фахрийлар Ш. Ашуров, Ф. Мухаммедовлар қасамёд қабул қилган қилган ёш милиция ходимларини жиноятчиларга нисбатан шафқатсиз бўлишга даъват этиб, ҳалқ, эл-юрт о'сойишталиги йўлида хизмат қилишдек оғир ва шарафли ишларига омад тиладилар.

Мустақиллик кунига бағишланган кеча бир пиёла чой устида давом эттирилди. Кеча қатнашчиларини вилоят ички ишлар бошқармаси ҳузурида ташкил этилган "Лочин" дастаси қатнашчилари ўзларининг жозибали рақслари, дилрабо куй ва қўшиқлари билан хушнуд этдилар.

Кечада вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари М. Р. Раҳмонов қатнашиб, йиғилганларни байрам билан қизғин табриклади.

Шухрат Қўлдошев,
милиция майори.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ АНЖУМАНИ

27 август кунини Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг мажлислар залида Тошкент шаҳар давлат муассасалари ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг II анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда 160 дан ортиқ турли ташкилотларнинг касаба уюшмалари раислари иштирок этдилар.

Кун тартибидан уч асосий масала қўйилган эди. Булар: республикада ислохотлар ўтказилаётган шароитда меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан Тошкент шаҳар давлат муассасалари ходимлари касаба уюшмаси ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида; республика давлат муассасалари ходимлари касаба уюшмаси ташкилоти таркибига кириш ҳақида; шаҳар касаба уюшмаси қўмитаси вакилларини Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасига тўғридан-тўғри делегат қилиб юбориш ҳақида.

Биринчи масала юзасидан Тошкент шаҳар касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Ж. Шарипов маъруза қилди.

Шундан сўнг маъруза юзасидан "Ўзэлектронприбор" Бош директор ўринбосари В. Бабажанц, Ижтимоий таъминот вазири нафақалар бўлимининг бош мутахассиси М. Ҳасанбоева, Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви жамғармаларининг Бош сақловчиси Г. Фоменко ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқиб, кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Анжуман Президиум аъзоларини сайлади, ва тасдиқлади. Анжуман сўнггида қўрилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилинди.

Касаба уюшмалари анжумани ишида Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси Анвар Мухаммаджонов қатнашди.

З. ҚЎЗИБОВЕВ.

МУСТАҚИЛЛИК КУНИ ШАРАФИГА

Нақлиёт ички ишлар бошқармаси ходимлари Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг иккинчи йиллигини тантанали суръатда нишонладилар. Республикада темир йўллар тармоғи бир неча ўн минг километрини ташкил этади. Унинг ҳамма участкаларида ички ишлар темир йўл бўлимларининг ходимлари сергак туришибди. Улар темир йўл бекатлари ва вилоят аэропортларида жамоат тартибини таъминлаётдилар, жиноятларни очиш ва ҳуқуқ бузишларнинг олдини олишда бошқа бўлимлардаги ҳамкасбларига кўмак бермоқдалар, мустақил Ўзбекистон фуқароларининг о'сойишта ҳаёт кечиришларида ёрдам бермоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ИИБ бошлиғи, милиция полковниги Анвар Бадалбоев ўз сўзида шулар ҳақида гапирди. Унинг ўринбосари, милиция подполковниги Ҳамидхон Набионов энг яхши ходимларни мукофотлаш ҳақидаги буйруқни ўқиб эшиттирди. Улар орасида Термиз, Жиззах, Тошкент транспорт милициясининг

ходимлари бор. Республиканинг барча вилоятларида мақтовга лойиқ кишилар хизмат қилмоқда. Ушбу байрам кунинда уларга қимматли совғалар, пул мукофотлари, Фахрий ёрлиқлар топширилди. Анъанага кўра байрам дастурхони ёзилди. Тантанали маросим Нақлиёт ички ишлар бошқармаси ходимларининг ўзлари яқинда ҳашар йўли билан тартибга келтирган ҳовлида ўтказилди.

Байрамга ашула ва аскиялар уланиб кетди. Бу ерга "Қизил

тонг" ишлаб чиқариш бирлашмасининг бадий ҳаваскорлари меҳмон бўлиб келган эдилар. Ҳаваскор артистлар ижро этган куй-қўшиқлар профессионал санъаткорларникидан фарқ қилиб бўлмас эди.

Мустақиллик кунини нишонлаш эсда сақланиб қоладиган ёрқин байрамга айланди ва у нақлиёт милицияси ходимларига бардамлик ва янги куч-ғайрат бағишлади.

Ҳ.ШОДИЕВ.



Суратларда: байрам лавҳалари.
Муаллиф олган суратлар.



— Илҳом Хилватович, мумкин бўлса, суҳбатни рақамлардан бошласан.

— Кейинги беш йиллик ичида республикада вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчилик ўсишида барқарор тамойил кўзга ташланади. Тўғри, бу йил бундай жиноятлар миқдори бир оз камайди. Шундай бўлсада уларнинг даражаси анча юқориликча қолмоқда — жиноят кидирув йўли билан рўйхатга олинадиган барча жиноятларнинг ўндан бирини улар содир этмоқда. Рақамларда аҳвол қуйидагичадир. Ўтган ярим йил ичида 2,8 мингдан кўп, ўтган йилнинг шу даврида уч мингдан ортиқ жиноят рўйхатга олинган эди. Камайиш тасодифан юз бермади. Йил бошида ўсмирлар ўртасидаги жиноятчиликни камайтириш имконини берган бир қатор ташкилий ва амалий тусдаги чоралар кўрилди. Аввало «Ўсмир», «Ертўла», «Комплекс» ва ҳоказо номланган махсус кенг қамровли тадбирлар туркуми амалга оширилди. Шуниси ибратлики, буларни амалга оширишда оdatланиб қолган андазалардан қочишга, бошқача айтганда, кенг қамраб олишга интилишдан воз кечишга ҳаракат қилдик.

Ана шу ва бошқа профилактика чораларини амалга оширишда вазиятни пухта ўрганиб чиқдик: вояга етмаганларнинг қандай тоифалари қаерда, қандай ҳуқуқ бузишлар содир этаётганликлари, салбий жараёнларни нейтраллаштириш учун қандай кучлар ва чоралар талаб қилинаётгани тахлил қилинди. Шундай қилиб, нафақат ўсмирлар жиноятчилиги содир қилинаётган жойларга, балки муайян жиноят хатти-ҳаракатлари содир этувчиларга асосий эътиборимизни қаратдик.

Дастлабки босқичда айни шу паллада ҳуқуққа қарши хатти-ҳаракатларни содир этаётган вояга етмаганлар гуруҳларини аниқлаш асосий вазифа қилиб қўйилди. Бунда, албатта, тезкор хизматларнинг ердами катта бўлди. Ўсмирларнинг жиноий хатти-ҳаракатларда иштирок этиши хусусида очикдан-очик ва билвосита гувоҳлик берувчи бутун текзор ахборот ўрганиб чиқилди. Милициянинг эътиборини чиндан талаб этувчи болалар ва ешлар ўртасида муфассал иш кенгрок олиб борилади. Ўтказилган тадқиқотлар жиноят қилишга гоятда мойил гуруҳ 16-17 ёшдагилар эканлигини аниқлаш имконини берди, ўсмирлар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг 80 фоизига қадари улар ҳиссасига тўғри келади.

Албатта, фикримизча, келгусида ҳуқуқни бузишларга мойил бўлган ўсмирларни ҳам эътибордан четда қолдирмадик.

Шундай қилиб, вояга етмаганларни профилактика ҳисобига қўйишда ҳеч қандай расмий томонлар унутилгани йўқ. Яширишга ҳожат йўқ, авваллари собиқ марказдан текширишга келувчиларни қўпинча 20-25 минг ўсмир ҳисобга олинди деб ҳайратга солишга ҳаракат қилардик. Энди бу рақам 15 мингга тушиб қолди. Ана шу чиндан ҳам тарбияси қийин ўсмирлар билан яқиндан якка тартибда иш олиб бориш ижобий натижалар олиш имконини берди.

Ўзбекистон аҳолисининг ярми еки тахминан 10 миллион киши 18 ёшга етмаган болалар ва ўсмирлардир, агар бунга ешларни ҳам қўшсак, бутун аҳолининг камида 70 фоизини улар ташкил этади. Бу ҳол бизларни ҳам, амалда исталган давлат ва жамоат идорасини ҳам, ўз иштини шуни ҳисобга олган ҳолда қайта қуришга мажбур этади.

— Болалар ва ешлар — миллатнинг эртанги кунни, унинг гули, умидидир. Лекин бугунги кунда юзага келган вазиятга назар ташлайдиган бўлсак, ана шу муҳим ҳақиқатни барча даражада ва доирада англаб етилган деб бўлмаслигига ишонч ҳосил қиламиз.

— Тўғри айтасиз. Лекин шуни очик айтишим лозимки, ҳукумат, Олий Кенгаш ана шу муаммоларга чуқур тушуниш билан ендашмоқда.

1991 йили республика ИИБ учун маҳаллий бюджетдан штатга қўшимча киритилган вояга

етмаганлар иши билан шуғулланувчи нозирларга маош тўлаш учун каттагина маблағ ажратилди. Ҳозир ИИБ таркибиде етарлича салоҳиятли махсус бўлинмалар бевосита вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш ва тарбияси қийин ўсмирларни тарбиялаш билан шуғулланмоқда. Бу эса аввало олиб борилаётган ишнинг сифатини яхшилаш имконини берди. Шундай бўлсада ВЕИИ нозирларига юклатилган иш ҳажми анча катта бўлиб қолмоқда. Уларнинг ҳар бири 8-12 минг ўсмир билан шуғулланади, ҳолбуки бир нозир шаҳарларда ўртача 4,5 минг, қишлоқларда эса 5,5 минг ўсмир билан шуғулланиши керак. Бошқача айтганда, улар икки хисса кўп иш қилмоқдалар.

Мана шу муҳим иш соҳасига бўлган эътибор барча даражаларда сусайтирилмаслиги керак. Бугунги кунда жиноятчилар дунёси асосан ўсмирлар ва ешлар ҳисобига тўлдирилмоқда, жиноят кидирув йўли

қиз болалар жиноят йўлидан тортиб олинмоқда.

Ҳаммамиз гоятда оддий ҳақиқатни англаб етишимиз зарур. Болалар билан ота-оналар, давлат ва жамоат тартиботлари жиддий шуғулланмас эканлар, уларни жиноятчилар олами ўз бағрига олади. Учунчи йўл мавжуд эмас. Бугун ўсмирга эътибор бермас эканмиз, эртага уни орқага қайтиш гоятда машаққатли бўлган, кўп ҳолларда эса умуман қайтиб бўлмайдиган қалтис маррада қўришга тўғри келиб қолиши мумкин. Жиноятчилар дунёси ўз сафига танлаб олмайди, у бундай ўсмирларнинг ҳаммасини ўз домига тортишга тайёр.

Мактаблар ўз битирувчиларининг кейинги тақдири билан кам қизиқади, ваҳоланки, улар зиммасига шундай вазифа юкланган. Мактабни тугаллаган ўсмирлар қарийб 60 фоизининг ота-оналари ўз болалари учун қандай ҳаёт йўлини танлаш лозимлиги ҳақида тасаввурга

бўлмоқда. Бундай ҳолларга тўқнаш келганимизда бунинг сабабларини, оиладаги муҳитни синчиклаб ўрганиб чиқамиз. Одатда бундай оилаларда бир маромдаги тарбия жараёни ўрнини бойликка, ҳаддан ташқари кўп мол-мулк орттиришга интилиш эгаллаб олганлиги маълум бўлади. Ўйдаги гап-сўзлар асосан ниманидир сотиб олишлар тўғрисида боради. Бунинг устига, кўпинча болалар бебилиска пуллар ҳақида ота-оналарнинг гап-сўзларини эшитиб-гина қолмай, турли хил алдам-қалдамликлар қандай амалга оширилаётганига гувоҳ ҳам бўладилар. Болаларнинг кўз ўнгиде ҳақиқий кадрятлар оёқости қилинаётган, улар ота-оналари ўз фарзандларига очикдан-очик ҳаром-хариш йўллар билан бойлик орттиришни ўргатаётган жойларда тарбиядан яхши самаралар кутиш осон эмас, албатта. Ҳеч нарсадан зорикмаслик, турли-туман неъматлардан кўнгли хоҳлаганича

колхоз даласида доимий банд бўлиши ўсмирни ҳуқуқни бузишга мойилликдан халос этишга ердам беради, айни вақтда шаҳарларда ўсмирларнинг бекор юриши ва катталар томонидан тергаб турилмаслиги ҳақиқий кулфатга айланмоқда.

Ўсмирларнинг ҳуқуқни бузишга мойиллиги негизда, одатда, ота-оналарнинг ўз бурчларини бажаришга масъулиятсизларча муносабати етади. Шуниси характерлики, болалар жиноятларининг асосий қисми мактабдан ташқари вақтда, яъни ўсмирларнинг хатти-ҳаракатлари ота-оналари томонидан назорат қилиниши керак бўлган пайтда содир қилинмоқда. Ота-оналар ўз хоҳишлари билан йнгилиб, болаларининг мактабдан келгандан сўнгги хатти-ҳаракатларини назорат қилишни муҳокама қилиш ва чоралар белгилаш ҳақида маслаҳатлашадиган ҳоллар учрамайди. Ота-оналар, маҳалла ва уй қўмиталари бу йўналишда деярли иш олиб бормаяпти. Шу муносабат билан, менимча, ота-оналарнинг масъулиятини қонун йўли билан ошириш зарурлиги масаласи аллақачон етилди. Ота ва она ўз болаларини қандай тарбиялаётганлиги ҳақида жамият олдида жавоб бериши керак.

— Бундан қандай қилиб амалга ошириш мумкин?

— Фикримча, ота-онанинг куч-ҳаракатларини маънавий ва моддий рағбатлантириш тизимини барпо этиш, шунингдек ўз бурчларини бажармаган ота-оналарни жазолаш тартибини белгилаш даркор. Бир қатор мамлакатларда ана шундай амалиёт мавжуд. Биз эса ҳозирча ота-оналарнинг ҳуқуқий салоҳиятини чеклаш еки уларни ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум қилиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш имкониятигагина эгамиз. Агар жазолаш ҳақида гапирадиган бўлсак, бу энг охириги чоралардир, булардан олдин, айтайлик, жарима солиш жазосини қўллаш керак. Лекин асосийси, оилани ижтимоий ҳимоя қилиш воситасида тарбия жараёнига превентив таъсир кўрсатиш ердамида ҳар хил жазолар қўллашнинг олдини олишдир.

Ўсмирлар ва еш болаларнинг ўйларидан қочиб кетишлари қўлайиши баъзи ота-оналар болалар тарбияси билан таъомила шуғулланмай қўйганига гоятда ёркин мисолдир. Шу йилнинг дастлабки олти ойи ичида вояга етмаганлар учун тақсимлагич-қабулхоналарга 2370 ўсмир келтирилди. Болалар билан муомаладаги қаттиққўллик оқибатида ўтган ярим йил ичида 60 га яқин ўсмир ўзини ўзи осиб ўлдиришга уриниб кўрди. Афсуски, кўпларини қутқариб бўлмади. Болаларга тан жароҳати етказилган кўпдан-кўп ҳодисалар тўғрисида гапиришга ўрин ҳам йўқ.

— Ўсмирлар ўртасида ҳуқуқ бузишларнинг олдини олишда қандай режаларни кўзлаяписиз?

— Бугунги кунда республикада у еки бу даражада болалар ва ешлар билан ишлайдиган салкам йигирмата давлат идоралари ҳамда жамоат ташкилотлари мавжуд. Бизнинг ташаббусимиз билан Республика Вазирлар Маҳкамаси манфаатдор идораларга тарбия ва бошқа ишларни олиб боришда куч-ҳаракатларни жипслаштириш зарурлиги тўғрисида топширик берди. Ана шу йўналишда хатти-ҳаракатларнинг махсус давлат дастури лойиҳаси тайёрланди, у яқин орада республика ҳукумати еки Олий Кенгаши томонидан қараб чиқилади. Дастурда кенг миқёсли, шу жумладан илмий чораларни рўёбга чиқариш кўзда тутилган. Бир қатор илмгоҳлар ва Низомий номли педагогика олийгоҳида ана шу муаммони ўргатувчи махсус бўлинмалар барпо этилади. Педагогика ўқув юртлири вояга етмаганлар ишлари бўйича милиция назорятлари учун кадрлар тайёрлашга ихтисослаштирилади. Кадрларимиз малакасини ошириш тизими ҳам ўйланди. Ҳамма жойларда ИИБ қошида ана шу мақсадда касбий маҳорат мактаблари очилади. Хуллас, эртанги кунга биз янада тайёргарлик кўрган ҳолда кириб борамиз.

В. ЗАХАРОВ суҳбатлашди.

ЎСМИРЛАР ТАРБИЯСИГА МАСЪУЛМИЗ

Мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси ИИБ Профилактика хизмати бошқармаси бошлигининг ўринбосари, милиция полковниги И. Хилватов билан суҳбатлашди.

бўйича очилаётган жиноятларнинг тахминан 70 фоизи улар томонидан содир этилган. Катта ешдаги кишилардан иборат бўлиб, аниқланган жиноий гуруҳларнинг ҳар учтадан бирида албатта ўсмирни кўрамиз. Шуни ҳам айтиш керакки, бундай жиноятларнинг жуда катта қисмини бойлик орттиришга қаратилган жиноятлар ташкил этади. Бозорнинг онгимизга ва ҳаётнинг барча соҳаларига кенг қамровли ҳужум қилиши манзарасида бу нарсга жуда ҳам хавфли бўлиб қолди. Бизнес сари мураккаб йўлларни кидиришни ўзига эп кўрмаган баъзи бир ешлар пул топиш учун тўғридан-тўғри жиноят йўлига кириб кетдилар. Эртага улар қанча бўлишини ким башорат қила олади?

Вояга етмаганлар жиноятчилигининг ҳолатини характерловчи рақамлар еш авлод тақдирига лоқайд бўлмаган ҳар бири кишини ўйлашга мажбур этади. 1993 йилнинг биринчи ярим йиллигида ўсмирлар томонидан 13 қотиллик, 20 оғир тан жароҳати етказиш, 22 зўрлаб номусга тегиш, 283 талон-торож, давлат ва жамоат мулкни 400 дан ортиқ ҳамда фуқаролар мулкни 1470 маротаба ўғирлаш ҳоллари содир этилган.

— Бозор — болалар жиноятчилигининг ўсиши бевосита алоқаси мавжудлиги ҳақида сўзлаш мумкин?

— Бунда бевосита алоқа мавжуд деяр олмайман, лекин билвосита алоқа, шубҳасиз, мавжуд. Бозор муносабатлари аҳолининг ўсмир ва ешлар гуруҳларини ишга жойлаштириш муаммосини кескинлаштириб юборди. Яширишнинг ҳожати йўқ. Малакаси кам еки умуман ҳеч қандай малакаси ва умуман меҳнат қўникмалари бўлмаган ҳодимлар бугунги кунда кимга ҳам керак? Ҳукуматнинг махсус қарорига мувофиқ, ҳар бир корхона қамок муддатини ўтаб келганлар, шунингдек ўсмирлар учун иш жойида етти фоизни резерв қилиб қолдириши керак. Республиканинг бир қатор корхоналари бунга қатъий амал қилмоқда. Лекин, бундаги ҳар бир истисно ҳол умумий қондани тасдиқламақда.

Корхоналарнинг раҳбарларини тушунас бўлади, албатта. Лекин бундан бизга ҳам, ўсмирларга ҳам осон эмас. Қандай имконият топса бўлади? Бунинг иложи битта — жойларда ҳар бир ўсмир учун жон қуйдириш керак, нозирларимиз айни шундай қилмоқда. Афсуски, фақат уларнинг куч-ҳаракатлари билан аҳволнинг тубдан яхшилаб бўлмайди. Шундай бўлсада, уларнинг сатъ-ҳаракатлари билан ҳар йили кўпдан-кўп ўтил ва

эга эмас. Вояга етмаганларнинг ўзлари ҳақида нима ҳам дейиш мумкин? Умумий таълим мактабларининг кўпчилигида касбга йўллаш номигагина мавжуд. Натижада ишга кирмаган ва ўқимайдиган йигитчаларнинг асосий машғулотни бекорчилик ҳамда армияга чақиришларини кутиш бўлиб қолмоқда. Баъзи ота-оналар ҳатто улар мактабни тугатгандан сўнг армия хизматига боргунча яхши дам олишлари керак деб ҳисоблайдилар ҳам. Ахир, ҳозир кўпинча мактабларни ўн олти ёшда тугатяптилар. Кўрасизки, кўп йигитчаларнинг «таътили» икки йилни ташкил қиладди. Узоқ вақт ишламаслик натижасида баъзилар спиртли ичимликлар, гиеҳвандлик моддалари истеъмол қилиш, жиноий йўл билан пул топиш ва шунга ўхшаш нохуш нарсалар билан шуғулланади.

Бахтимизга, ана шу қондадан екимли истисно ҳоллар мавжуд. Шу масалани ўрганад эканмиз, кўп жойларда мактаб ўсмирларнинг тақдири ҳақида чинакам ғамхўрлик қилаётгани, ўсмирларнинг кўплари тўғри йўлни танлаётганлигининг гувоҳи бўляпмиз. Ўсмирларнинг каттагина қисми олийгоҳлар, техникумлар, ҳунар-техника билимгоҳларига ўқишга қиряпти еки ишга жойлашяпти. Дарвоқе, бу ишда милиция муҳим воситачилик ролини бажармоқда. Нозирларимиз турли юқори идоралар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқдалар. Тарбияси қийин ўсмирларнинг деярли ярми тўғри йўлга қираётгани биз учун муқофотдир, деса бўлади.

— Лекин милицияга аллақачон жиноят йўлига кирган болалар билан ҳам ишлашга тўғри келмоқда-ку, ахир?

— Бунинг устига, ана шундай ўсмирларнинг 70 фоизи нохуш оилаларнинг фарзандлари. Ижобий таъсирга қарши ҳам оиланинг, ҳам қўчанинг номатлуб таъсирида бўлган бундай ўсмирнинг қалбига йўл топиб кўрингчи. Тўғри, кейинги пайтда бошқа тамойил ҳам кўзга ташланди. Кўпроқ яхши оилалардан чиққан болалар жиноят қила бошлади.

— Гарб мутахассислари баъзан «тўқликдан жиноят қилиш» атамасини ишлатадилар. Бундан бизга ҳам татбиқ этиш мумкинми?

— Балки. Ўзингиз ҳулоса чиқаринг. Бундай оилалар мустаҳкам моддий базага ва, ҳаёл қилинганидек, яхши муҳитга эгадир. Лекин оила муносабатлари ва ота-оналарнинг интилишлари марказига қўйилган айни фаровонлик, тўқлик маънавият бўлмаган жойда болалар ҳуқуқ бузишларининг асосий сабабчиси

фойдалана олиш тўқ виждонсизлик оч принципаалликдан яхши экандитига ишонтириши турган гап. Афсуски, баъзилар ўз ота-оналик бурчини болаларини энг сўнгги модада кийинтириб қўйиш ва кўчада у-бу нарсга олиши учун каттагина миқдорда пул беришдангина иборат деб биладиган манзара анча кўп учрамоқда. Албатта, ҳар кун асабини қакшатиб тарбия бергандан кўра билганингни қил деб пул бериб қўйиш осонроқ. Бундай арзанда ўз тенгдошларига ҳам димоғ билан муносабатда бўлади. Унинг тасаввурида ҳалоллик, ақл, самимийлик, камтарлик, билимдонлик эмас, балки модадан орқада қолмасликка интилиш, чегараси йўқ эркинлик ва кўп миқдордаги маблағга эғалик қилиш ҳақиқий кадрятлар ҳисобланади. Унинг иштаҳаси кун сайин ошиб боради ва шундай пайт келадикки, ота-онаси бериб турган пул унинг эҳтиёжини қондира олмай қолади. Ана шунда унинг ўзи «даромад» кидиришга тушади. Модага, чиройли нарсаларга сизиниш ва ахлоқий-маънавий «ноетуклик» ўз ишини қилиб бўлган. Ота-оналарнинг ўзи тайерлаб қўйган тузоқ охир-оқибатда болаларнинг оегидан тутати. Яқиндагина биз пойтахтнинг Талабалар шаҳарчасида бир йил давомида ўғирлик билан шуғулланиб келган ўсмирларнинг каттагина гуруҳини аниқладик. Шуниси ажабланарлики, улар ота-оналарининг баъзилари нафақат бу ҳақда билганлар, балки даромадли машғулотни рағбатлантириб турганлар ҳам.

Бу ерда халқ педагогикасининг асосларини эсга олиш ўринли бўлади. Шарқнинг анъанавий урф-одатлари ота-оналардан таълим-тарбия масалаларига жуда ҳам эътибор билан қарашни талаб қилган. Кўпинча 8-10 бола бўлган оилаларда бундан бошқача бўлиши мумкин эмас эди. Маълум даражада моддий қийинчиликлар бўлсада, бундай оилаларнинг аксарияти кўнгилдагидек оила ҳисобланган. Уларда модага сизинилмаган, балки катталарга ҳурмат, ота-оналарга эҳтиром, ҳалоллик ва адолат, меҳнатсеварлик ва бир-бир қўллаш ҳукм сурган.

Бу нарсга қишлоқ оилаларининг кўпчилиги учун ҳозир ҳам хосдир. Гарчи қишлоқларда шаҳардагидан икки баробар кўп ўсмирлар яшасада, улар содир этаётган ҳуқуқ бузишларнинг атиги 20-30 фоизи қишлоқ ўсмирларига тўғри келиши бежиз бўлмаска керак. Ҳамма бирини яхши биладиган турмуш тарзи, болаларнинг томорқада еки

ДУШАНБА 6 СЕНТЯБРЬ

ЎЗТВ 1

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.

18.10 Болалар учун. "Кўтирчоқлар — менинг дўстларим". 18.35 Таэквондо бўйича Осиё ва Тинч океан ҳавзаси мамлакатлари чемпионати. 19.25 Ёшларлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Ёшларлар. 19.55 "Давр талаби". Тижорат канали. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 "Санъатимиз фидойилари". Зокир Султонов. 20.55 Ёшларлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 Ислохот ҳақида суҳбатлар. 21.40 "Истеъдод". Маъмуржон Тўхтасинов. 22.40 "Юзма-юз". Бадий фильм. 1-серия. 23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ 2

18.30 "Ассалому алайкум". (такрор.). 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Тоғлар". Телефильм. 20.10 "Билиб қўйган яхши". 20.30 "Лахза". Хабарлар.

20.50 "Ракс соҳибаси". Фильм-концерт.

21.25 "Лахза". Хабарлар. 21.45 "Энди сизни ким деб аташ керак". Бадий фильм.

"ОРБИТА IV"

5.00 "Якулар". 5.45 "Тонг". 8.00 Янгилар. 8.35 "Истеъдодлар ва мухлислар". 9.15 "Мангуликка асир". Илмий-оммабоп фильм премьераси. 9.45 "Мавзу". 10.30 "Тол". 11.00 Янгилар. 11.20 "Олтин сочмалар". Ростов-Дондан кўрсатув.

14.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Телемикст". 15.10 "Эльдорадо-Парма". Коми-Пермяк миллий округининг тарихи ва бугунги куни ҳақида. 15.30 Мультифильм. 15.40 "Истеъдодлар ва мухлислар". 16.20 "Икболи кулганда". 17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.25 Давлатлараро "Останкино" телеканали "Дуненинг тўрт томони" кўрсатувини таништилади. 17.50 "Аср сирлари". 4-кўрсатув. 18.40 "Беш қиз Парижда". Олти серияли телевизион бадий фильм премьераси. 5-серия. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Ёшларлар. 20.00 Янгилар. 20.25 "Тол". 20.55 Е. Светланов. "Оддий сурат". 21.40 "Спорт уик-энди". 21.55 "Янги студия" таништилади. "Джем-сейшн". Танаффус пайтида (23.00) — Янгилар.

"ДУБЛЬ IV" РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Телевизион меҳнат биржаси. 7.30 Ишбилармон кишилар даври. 8.00 "Россияда бизнес". 8.30 Тонгги концерт. 8.45 "Ўз ишининг усталари". В. Каверин. 9.30 "Хонаки экран". "Лев Толстой". Бадий фильм. 1-серия. 10.55 "Лев Толстой". Бадий фильм. 2-серия. 12.15 "Шаҳар этюдлари". Хужжатли фильм. 12.40 "Дехқонларга тааллуқли масала". 13.00 Теннис бўйича АҚШ очик чемпионати. Нью-Йоркдан кўрсатилади. 13.45 "Пилигрим". Россия саёҳатлар бюроси. 14.35 Испанияга қуш парвозидаги масофадан назар ташлаганда. Кўп серияли хужжатли фильм премьераси.

15.05 Мульти-пульти. 15.15 "Бола тилидан". 15.55 Янгилар. 16.10 "Трансросэфир". "Европа — Осиё".

17.00 — 19.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.00 Душанба куни детектив. "Лаки страйк" таништилади. "Мулен Руж". Бадий фильм. "Криминал ходисалар" сериалидан. 19.55 "Ҳақиқат онлари". 20.50 Спорт кўрсатуви. 21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар. 21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.25 "Орзиқиб қутилган кун". Хужжатли фильм. 21.35 "Қутқариш хизмати 911". 22.30 Криминал хабарлар экрани. 22.40 "Лад-галерея. Мусаввир Андрей Поздеев. 23.25 "Олмалар яна гуллади".

СЕШАНБА 7 СЕНТЯБРЬ

ЎЗТВ 1

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Билиб қўйган яхши" (такрор.). 7.50 "Лизюков

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

кўчасида яшовчи мушукча". Мультифильм. 8.00 Мутахассис маслаҳати. 8.10 "Куйла, менинг ёшлигим". 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...". 9.00 "Шум бола". Бадий фильм. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Жугрофия. Ўзбекистоннинг табиий шароити ва табиий бойликлари. 11.00 "Юнус Ражабий". Телефильм. 11.30 Ўзбек тилини ўрганамиз. 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 Болалар учун. "Куёшни қулдирган қизалоқлар". 18.40 "Билдирсой". Телефильм. 18.50 Хиванинг 2500 йиллигига. "Аждодлар мероси — хазина". 19.25 Ёшларлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Ёшларлар. 19.55 Дунё воқеалари. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Лирик концерт. 20.55 Ёшларлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 Ислохот ҳақида суҳбатлар. 21.40 "Жиноят жазосиз қолмайди". Фаргона вилоятидан кўрсатув. 22.20 "Юзма-юз". Бадий фильм. 2-серия.

23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ 2

18.30 "Уолт Дисней таништилади...". Мультифильмлар тўплами. 19.20 "Ўзбекистон жилolari". Телефильм. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Хайр, ёш!". 20.50 "СВ-экспресс". Рок мусикаси ҳақида. 21.20 Ёшларлар. 21.25 "Кинонигоҳ".

"ОРБИТА IV"

5.00 Янгилар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 "Тонг". 8.00 Янгилар. 8.20 "Кувноқ нотачалар". 8.40 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 9.30 "Инсон ва қонун". 10.00 "Стартинейджер". 10.50 "Матбуот-экспресс". 11.00 Янгилар. 11.20 "Ўсмир". Олти серияли телевизион бадий фильм. 1 ва 2-сериялар. 12.35 "Азизим". Телевизион бадий фильм. 13.50 Мультифильм. 14.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Ишбилармонлар хабарномаси". 14.40 "Конверсия ва бозор". 15.10 "Ён дафтар". 15.15 "Тедди Ракспиннинг саргузаштлари". Кўп серияли мультифильм премьераси. 15.40 "Джэм". 16.10 "Стартинейджер". 17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.25 Давлатлараро "Останкино" телеканали "Диаспора" кўрсатувини таништилади. "Арманлар". 17.50 "Технодром". 18.05 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 18.55 "Мавзу". 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Ёшларлар. 20.00 Янгилар. 20.25 Телеэкранда биринчи марта. "Мени мистер Браун деб атаган". Бадий фильм (Австралия). 22.05 "Матбуот-экспресс". 22.20 "1993 йил қўшқлари". Танаффус пайтида (23.00) — Янгилар.

"ДУБЛЬ IV" РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Телевизион меҳнат биржаси. 7.30 Ишбилармон кишилар даври. 8.00 Ҳақиқат онлари. 11.00 "Чашмалар". 11.30 Теннис бўйича АҚШ очик чемпионати. Нью-Йоркдан кўрсатилади. 12.30 "Дехқонларга тааллуқли масала". 12.55 "Тўзаллик сири". Хужжатли фильм. 13.15 "Винил чангалзорлари". 13.45 "Бўйсунмас қўпна". 14.15 Трансросэфир. "Ахволлар қандай, Уфа?". 15.00 "Рост" студияси. "Қуни узайтирилган гуруҳ". 15.30 Янгилар. 15.45 "Хўжайин". 16.30 "Жаноблар-ўртоклар". 16.45 Спорт кўрсатуви.

17.00 — 18.50 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.50 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 215-серия.

19.40 "Бал тугади". Балетмейстер Георгий Алексидзе. 20.25 "Токиода учрашув". 21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар. 21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.25 "Менинг Догистоним". Расул Ҳамзатов. 21.55 "Мстислав Ростропович: "Менинг ҳаётим — рус мусикаси". 22.35 Мусаввир Наталия Шабалина. 23.05 Санкт-Петербург мусикаси. "Оддий дўстлар".

ЧОРШАНБА 8 СЕНТЯБРЬ

ЎЗТВ 1

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Эҳтиёт бўлинг, маймунчалар". Мультифильм. 7.40 Қўшқилар ва яллалар. 8.00 Дунё воқеалари. 8.15 "Кувноқ болалар". 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...". 9.00 Республика газетларининг шахри. 9.10 Турк тили. 9.40 "Ёшлик" студияси. "Истеъдодларни йзлаймиз". 10.15 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ). 10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика. Модда тузилишининг молекуляр кинетик назарияси асослари. 11.00 "Ота ўғиллар". Телефильм. 11.30 Ўқув кўрсатуви. Ботаника. Ўсимликларнинг одам ҳаётидаги ва табиатдаги аҳамияти. 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 Болалар учун. "Гўзал ёз хотиралари". 18.40 "Шеърят дафтаридан". 18.55 "Элга хизмат". 19.25 Ёшларлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Ёшларлар. 19.55 Пахта теримини намунали ўтказайлик. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 "Анъаналар этади давом...". Мусикий кўрсатув. 20.55 Ёшларлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 Ислохот ҳақида суҳбатлар. 21.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллигига ўзбек халқ қўшқиларининг "Анор" телевизион танлови. 22.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Трактор" (Тошкент) — Сўғдиена" (Жиззах). 2-й тайм (ёзиб олинган). 23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ 2

18.30 "Кувноқ жилolari". 19.05 "Спринт". 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Ассалом, мактаб!". 20.35 "Ретро-концерт". 21.30 "Ҳаётинг воқеа". Бадий фильм.

"ОРБИТА IV"

5.00 Янгилар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 "Тонг". 8.00 Янгилар. 8.20 "Тингланг, томоша қилинг...". 8.40 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 9.30 "Савдо кўприги". 10.00 "Қизча ва сиртлон". Телевизион премьераси. 10.20 "Джэм". 10.50 "Матбуот-экспресс". 11.00 Янгилар. 11.20 "Авлие Сергей". Бадий фильм. 13.00 "Турмуш икир-чикирлари". Бадий телесериал. 15 ва 16-сериялар. 14.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Телемикст". 15.10 "Иш". 15.20 "Ён дафтар". 15.25 "Тедди Ракспиннинг саргузаштлари". Кўп серияли мультифильм премьераси. 15.50 "Музограф". 16.10 "Қизлар ўртасидаги сир". 16.30 "700 клуби". 17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.25 Эфирда "Мир" Давлатлараро телерадиокомпанияси. "Салом, бу мен!". 17.55 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 18.45 "Миниатюра". Мусикий кўрсатув. 18.55 "Киношок-93" фестивалининг очилиши. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Ёшларлар. 20.00 Янгилар. 20.25 "Ҳеч нарсга ҳақида репортаж". 20.40 "Катта театр. Кунлар ва оқшомлар". М.

Глинка. "Шоҳга қурбон қилинган умр". Опера. 22.45 Крилатскоеда эшак эшиш бўйича марафон. 23.00 Янгилар. 23.40 Шахмат бўйича жаҳон биринчилигида. 23.55 Футбол. Жаҳон чемпионатининг саралаш матчи. Венгрия — Россия терма командалари. 2-й тайм. Венгриядан олиб кўрсатилади. 00.45 "Матбуот-экспресс". 00.55 "МТУ".

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Телевизион меҳнат биржаси. 7.30 Ишбилармон кишилар даври. 8.00 Христианлар учун кўрсатув. 8.25 "Менинг Догистоним". Расул Ҳамзатов. 8.55 "Токиода учрашувлар". 9.20 "Услуга". 9.50 Россия телевизион театри. Н. В. Гоголь. "III даражали Владимир". 1-қисм. 10.35 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм. 215-серия. 11.25 Теннис бўйича АҚШ очик чемпионати. Нью-Йоркдан кўрсатилади. 12.25 "Агар сиз...". 12.55 "Дехқонларга тааллуқли масала". 13.20 Кундузги сеанс. "Болохона". Бадий фильм. 14.40 "Параллеллар". 14.55 "Бал тугади". Балетмейстер Георгий Алексидзе. 15.40 Янгилар. 15.55 "Бизнес: янги номлар". 16.10 Трансросэфир. "Узоқ Шарқ".

17.00 — 18.55

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.55 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 216-серия. 19.45 "Ишбилармон одам". 20.15 "L — клуб". 21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар. 21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.30 "Бизнес ва сиёсат". 22.25 "Қюша хузарида". 22.55 Театр сафари. "Гастроллар, гастроллар...".

ПАЙШАНБА 9 СЕНТЯБРЬ

ЎЗТВ 1

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Ансамбль". Телефильм. 7.50 "Сергайрат кампир". Мультифильм. 8.00 "Созимда севги васфи". Мусикий кўрсатув. 8.20 "Бухоро қорақўли". Телефильм. 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...". 9.00 Матбуот саҳифаларида (рус тилида). 9.10 Араб тили. 9.40 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ). 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 Болалар учун. "Табиат алифбоси". 18.40 "Муаллима". "Ўзбектефилем" премьераси. 18.50 "Ўрмонлар — бойлигимиз". 19.25 Ёшларлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Ёшларлар. 19.55 "Осойишталик посбонлари". Республика ИИБ Матбуот маркази хабар қилади. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Мумтоз куйлардан концерт. 20.55 Ёшларлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 Ислохот ҳақида суҳбатлар. 21.40 "Ёшлик" студияси. "Амир Темур йўлларида". 22.55 "Европа воқеаси". Бадий фильм. 00.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ 2

18.30 Болалар учун. "Табассум". 19.05 "Меҳр-шафқатли бўлайлик". 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 "Олишув". Телефильм. 20.00 "Пульс". Хабарлар. 20.15 "Тошкент оқшомлари". 21.30 "Пульс". Хабарлар. 21.45 Ёшларлар. 21.50 "Кинонигоҳ".

"ОРБИТА IV"

5.00 Янгилар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 "Тонг". 8.00 Янгилар. 8.20 Мультифильм. 8.30 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 9.20 Футбол. Жаҳон чемпионатининг саралаш матчи. Венгрия — Россия терма командалари. 2-тайм. 10.10 "...16 ешгача ва ундан катталар". 10.50 "Матбуот-экспресс". 11.00 Янгилар. 11.20 "Тоғамнинг туши". Телевизион бадий фильм. 1-қисм. 13.10 Мультифильм. 13.20 Давлатлараро "Останкино" телеканали Тожикистон телевидениеси кўрсатувлари

намойиш этади. "Танжина" этнографик ансамблининг концерти. 14.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Телемикст". 15.10 "Ён дафтар". 15.15 "Тедди Ракспиннинг саргузаштлари". Кўп серияли мультифильм премьераси. 15.50 Давлатлараро "Останкино" телеканали Тожикистон телевидениеси кўрсатувларини таништилади. "Шунқорлар парвозга отланади". Болалар учун кўрсатув. 16.20 "...16 ешгача ва ундан катталар". 17.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 17.25 Республика мустақиллик кунига. "Тожикистоннинг бугунги кунини". 18.00 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 18.50 "Расулга мусикий таъзим". 19.10 "Ваучер — ишонч белгиси". 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Ёшларлар. 20.00 Янгилар. 20.25 Футбол. Жаҳон чемпионатининг саралаш матчи. Венгрия — Россия терма командалари. 22.15 Волейбол. Европа чемпионати. Эркалар. Россия — Германия терма командалари. Финляндиядан кўрсатилади. 23.00 Янгилар. 23.40 "Рок-Н-ролл-ТВ". 00.25 "Матбуот-экспресс".

"ДУБЛЬ IV" РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Телевизион меҳнат биржаси. 7.30 Ишбилармон кишилар даври. 8.00 Тонгги концерт. 8.15 "Бизнес ва сиёсат". 9.10 Россия телевизион театри. Н. В. Гоголь. "III даражали Владимир". 2 ва 3-қисмлар. 10.45 "Рек-тайм". 11.15 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм. 216-серия. 12.05 "Биз ҳеч қачон буюртма асосида қўйламаганмиз". Авторлик қўшқилари фестивали. 12.40 "Дехқонларга тааллуқли масала". 13.00 Теннис бўйича АҚШ очик чемпионати. Нью-Йоркдан кўрсатилади. 13.55 "М-трест". 14.15 "Терминал". 14.45 Трансросэфир. "Орол". 15.30 Янгилар. 15.45 "Рост" студияси. "Космос сабоқлари". "Биринчи тайм". 16.15 "Рус ташрифи". 16.45 Спорт кўрсатуви.

17.00 — 19.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.00 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 217-серия. 19.50 "Келинг, аниқлаб олайлик". 20.05 Ватаним менинг. "Тикланиш". 21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар. 21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.30 "Париж юлдузи". 2-кўрсатув. 22.00 "Ҳаёт томири". Михаил Дудин. 22.30 Киноқўзғу. "Тире белгиси". Хужжатли фильм. Вера Холоднаянинг 100 йиллигига. 23.30 Альберт Асадуллин концерти. 24.00 Криминал хабарлар экрани. 00.10 "Хроно". Авто ва мотоспорт оламида.

ЖУМА

10 СЕНТЯБРЬ

ЎЗТВ 1

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Илҳом чашмаси". Телефильм. 7.50 Мутахассис маслаҳати. 8.00 "Дилга яқин қўшқилар". 8.20 "Қисқичбака билан атиргул". Мультифильм. 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...". 9.00 Болалар учун фильм. "Ўсмирлар қонотда". 10.15 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ). 10.30 Ўқув кўрсатуви. Умумий биология. 11.00 "Ёшлик" студияси. "Тежамкорлик сирлари". 11.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбек адабиёти. 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 Болалар учун. "Санъат гунаҳлари". 18.40 "Ёшлик" студияси. "Ишонч". 19.25 Ёшларлар. 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.55 Дунё воқеалари. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 "Ўзбекистон ва жаҳон". Ўзбекистон Республикасининг "ЭКСПО-93"да иштироки. 20.55 Ёшларлар. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 Ислохот ҳақида суҳбатлар. 21.40 "Баҳор" билан учрашув. Халқ артисти М. Турғунбоевага бағишланади. 22.30 Ўзбекистон Республикаси

мустақиллигининг икки йиллигига. Республика театрлари телевизион фестивали. "Маъмура кампир". О. Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят театрининг спектакли. 00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II. 17.00 АШПАБАТ КЎРСАТАДИ. «ОРБИТА IV»

4.55, 14.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгилликлар. 5.35 Эрталабки гимнастика. 5.45 "Тонг". 8.00 Янгилликлар. 8.20 Эртак хузурида меҳмонда. "Товус малика". Бадий фильм (Хитой). 10.00 "Саёхатчилар клуби" (сурдо таржимаси билан). 10.50 "Матбуот-экспресс". 11.00 Янгилликлар. 11.20 "Тоғамнинг туши". Телевизион бадий фильм. 2-қисм. 13.20 Телефильм премьераси. 14.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан). 14.25 "Бридж". 14.50 "Бизнес-класс". 15.05 Эртак хузурида меҳмонда. "Товус малика". Бадий фильм (Хитой). 16.50 "Технодром". 17.00 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан). 17.20 Давлатлараро "Останкино" телеканали "Янги Россия ва Европа хавфсизлиги" кўрсатувини таништилади. 17.40 "Инсон ва қонун". 18.15 "03 вагони". 18.45 "Мўъжизалар майдони". 19.40 "Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Эълонлар. 20.00 Янгилликлар. 20.25 "Хафтаннинг машхур кишиси". 20.40 "Детективлар клуби" да. "Суни". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 10-серия. 21.40 "Матбуот-экспресс". "ВИД" таништилади. 21.55 "Сиёсий бюро". 22.30 "Музобоз". 23.50 "Автошоу". 00.05 "Х" кўрсатуви. 00.30 "Хит-конвейер". Танаффус пайтида (23.00) — Янгилликлар. 01.35 Шахмат бўйича жаҳон биринчилигида.

**«ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**
7.25 Телевизион меҳнат биржаси. 7.30 Ишбилармон кишилар даври. 8.00 "Параллеллар". 8.15 Бокс бўйича Европа чемпионати. Туркиядан кўрсатилади. 9.15 "Бурда моден" тавсия этади... 9.45 "Хайвонот оламида". 10.45 Мульти-пульти. 10.55 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм. 217-серия. 11.45 Ватаним менинг. "Тикланиш". 12.40 "Дехқонларга тааллуқли масала". 13.05 Теннис бўйича АҚШ очик чемпионати. Нью-Йоркдан кўрсатилади. 14.10 "Ўз-ўзига режиссер". 14.40 "Рост" студияси. "Муסיкий синф". 15.10 Янгилликлар. 15.25 Жума кунлари Дисней. "Севги йўл кўрсатади". Бадий фильм. 2-серия. 16.15 Мульти-пульти. 16.25 Трансроссэфир. "Бозор йўлида".

**17.00—18.45
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**
18.45 Телеэкранда — премьераси. "Океан". Кўп серияли бадий фильм. 3-серия. 20.25 "Джентльмен-шоу". 21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар. 21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.25 Катталар учун мултифильмлар. 21.50 Вика Циганова куйлайди. 22.40 Бокс бўйича Европа чемпионати. Туркиядан кўрсатилади. 23.40 "Император СПИД". Хужжатли фильм. 00.30 "Юлдузлар етилганда".

**ШАНБА
11 СЕНТЯБРЬ
ЎзТВ I**
6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" 6.40 "Соғлом бўлай десангиз..." 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 Эстрада концерти. 7.50 "Алдар Кўса". Мультифильм. 8.05 Дунее воқеалари. 8.20 Шифокор маслаҳати. 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз..." 9.00 Республика газеталарининг шарҳи. 9.10 Алимфёв сабоқлари. 9.40 "Пятницкий кўчасидаги қаҳвахона". Бадий фильм. 11.05 "Ёшлик" студияси. "Сенинг замондошинг", Улугбек Нурматов. 11.35 "Чорвадор" программаси. 11.55 Ёсмирлар учун. "Ўзгаллик гулшани". 12.25 "Олий таълим истикболлари". 12.55 "Эл тинчилиги йўлида". 13.10 "Мерос". "Алпомиш" достони ҳақида. 16.55 Кўрсатувлар тартиби. 17.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Пахтакор" — "Темирйўлчи" (Қўқон). "Пахтакор" Марказий ўйингоҳидан

олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Телефильм. 18.50 Адабий театр. Хамрокул Ризо. "Нон қадри". 19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.50 Ўлмас мерос". Телефильм. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Дам олиш концерти. 21.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.30 "Ўзбекистон — Ватаним маним". 31 августдаги тантаналар ва сайиллар асосида яратилган видеофильм. 23.30 "Тунги ёғду". Дам олиш кинопрограммаси.

**ЎзТВ II.
17.00 АШПАБАТ КЎРСАТАДИ
«ОРБИТА IV»**
5.45, 14.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби. 5.50 Эрталабки гимнастика. 6.00 "Матбуот-экспресс". 6.10 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 6.55 Янгилликлар. 7.30 "Кимор". 8.00 "Марафон-15" таништилади. 8.25 Эфирда "Мир" Давлатлараро тиелерадиокомпанияси. 9.50 "ЭКО". Экологик шарҳ. 10.05 "Китобхона". 10.45 "Мулкдор алифбоси". 10.55 "Илҳом манбалари". 11.25 "Хукумат кишилари". 11.40 Ёдимизда қолган фильмлар. "Дарахлар катта эди". Бадий фильм. 13.30 "Тиббиёт сиз учун". 14.00 Янгилликлар. 14.25 "Марафон-15". 15.05 Режиссер К. Шаброля фильмлари таништирилади. 15.30 Юрий Антоновнинг Олтин диски. 16.50 "Қизил квадрат". 17.30 "Хайвонот оламида". 18.10 "Орзулар вокзали". Ю. Башмет. 18.50 "Колабия пикчерс" таништилади. "Ти Жей Хукер". Етти серияли телевизион бадий фильм премьераси. 4-фильм. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.55 Эълонлар. 20.00 Янгилликлар. 20.25 "Колабия пикчерс" таништилади. "Бундан буён ва асрдан асрларга". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 2-фильм. 1-қисм. 21.30 "Резонанс" студияси таништилади. 21.45 Хоккей. Халқаро хоккей лигаси чемпионати. "Динамо" (Москва) — "Торпедо" (Усть-Каменогорск). 2 ва 3-даврлар. Ленин номидаги Марказий стадионнинг Кичик спорт майдонидан кўрсатилади. 23.00 Янгилликлар. 23.35 "Матбуот-экспресс". 23.45 Футбол. Россия чемпионати. "Динамо" (Москва) — "Торпедо" (Москва). "Динамо" Марказий стадионидан кўрсатилади.

**«ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**
7.30 "Оламга ўз нигоҳи билан қараш". 8.00 "730-формула". 8.30 "Ҳали англамаган коинот". 9.00 "Рост" студияси. "Ўзгал кизлар", "Бизнинг "Аралаш". 9.30 "Пилитримм". Россия саёхатлар бюроси. 10.20 Фильмлар премьераси. 10.35 Биз севган комедиялар. "Италияликларнинг Россиядаги гаройиб саргузаштлари". Бадий фильм.

**12.15—15.35
«ЎЗБЕКИСТОН» ХАЛҚАРО
ТЕЛЕКАНАЛИ**
12.15 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар". 12.25 "Рангинкамон" (тожик тилида). 13.20 КХДР мустақиллик кунига. 13.55 "Ҳиндистон киноюлдузлари билан учрашув". 14.35 Мозийдан егдулар". 15.20 "Бу ажиб дунё".

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.35 "Тилла шпора". 16.05 "Чегарасиз футбол".

**17.00—18.25 ТУРКИЯ
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**
18.25 Телеэкранда — премьераси. "Океан". Кўп серияли бадий фильм. 4-я серия. 20.00 "Мутлақо махфий". 21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар. 21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда. 21.25 "Балет... балет...". Стокгольмдаги еш раққослар кўригида. 22.25 Стас Намин маркази (Эс-Эн-СИ) таништилади: "Сарик сувоисти кемаси" клуби. 22.55 Бокс бўйича Европа чемпионати. Туркиядан кўрсатилади. 23.55 "Экзотика".

**ЯКШАНБА
12 СЕНТЯБРЬ
ЎзТВ I**
7.00 "Ассалом алайкум". 8.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 8.30 Болалар учун. "Тонгги салом". 9.00 "Маҳобҳорат". Кўп қисмли телевизион бадий видеофильм (Ҳиндистон). 31-32 сериялар. 10.30 "Китоб ва ҳаёт". 11.05

Пойтуғ аёллари хузурида. 11.35 Инглиз тили. 12.05 "Цирк! Цирк! Цирк!". 12.50 "Ватанпарвар". 13.30 "Мавсум тарадудди". 14.00 "Рақсларим — орзуларим". Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулнора Жўраева. 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Ёсмирлар учун. "Ўйла! Изла! Топ!". 18.50 "Мультипанорама" (рус тилида). 20.00 "Ойнаи жаҳонда". 20.15 "Хотира". Охунжон қизик Хузуллонов. 21.00 "Хафтаномаси". 21.40 "Муסיкий учрашувлар". Чорток шаҳар Короскон кабель ижара корхонасида. 22.25 "Кино усталари". Сайрам Исаева. 23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

**ЎзТВ II
7.00—12.00
17.00—23.30
АШПАБАТ КЎРСАТАДИ.
«ОРБИТА IV»**
5.40, 14.15, 18.00, 21.45, 23.15 — Кўрсатувлар тартиби. 5.45 Эрталабки гимнастика. 5.55 "Рухни чиниктириш". 6.55 Янгилликлар. 7.30 "Авто-шоу". 7.45 "Технодром". 8.00 "Марказ". 8.30 "Эрта саҳарлаб". "Денвер — динозаврларнинг энг сўнггиси". Кўп серияли мултифильм премьераси. 9.00 "Ҳамма уйдалигида". 9.30 "Спортлото" тиражи. 9.45 "Тонг юлдузи". 10.35 "Полигон". 11.05 "Мен — аёлман". 11.35 Киноҳақиқатми? "Ҳаёт қонуни". Бадий фильм ("Мосфильм", 1940 й.). 14.00 Янгилликлар. "КТВ-I" ва "Франс интернациональ" канали таништилади. 14.20 "Пиф ва Геркулес". Кўп/серияли мултифильм премьераси. 14.30 "Кусто командасининг сувости одиссеяси". Кўп серияли хужжатли фильм премьераси. 15.20 "Саёхатчилар клуби". 16.10 "Хунарли хор бўлмайд". 16.20 "Эфирда бевосита мулоқот". 17.00 "Панорама". Ҳафталик халқаро кўрсатув. 17.45 Янгилликлар (сурдо таржимаси билан). 18.05 Мултифильмлар премьераси: "Каспер ва унинг дўстлари", "Ҳақиқий ажина оловчилар". 18.55 "Эстрада гардемаринолари". II Россия фестивалининг очилиши. Сочидан кўрсатилади. 20.55 Эълонлар. 21.00 "Якунлар". 21.50 "Волейбол. Европа чемпионати. Эркалар. Ярим финал. Филинциядан кўрсатилади. 22.35 "Музограф". Муסיкий классиканинг оммавий асарлари ҳақида кўрсатув. Кўрсатувни А. Буйнов олиб боради. 23.00 Янгилликлар. 23.20 Шахмат бўйича жаҳон биринчилигида. 23.35 "Видеодром".

**«ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**
7.30 "Хайрли тонг!". "Чемпионлар учун нонушта". 8.00 "Рост" студияси. "Биринчи тайм". 8.30 Мульти-пульти. 8.35 "Сиз яратган бог". 9.05 Кипрас Мажейка. Жанубий Африкадан репортажлар. 9.35 "Ати-бати...". 10.05 Хонаки экран. "Қораялқлар" сир". Бадий фильм. 11.40 Бокс бўйича Европа чемпионати. Туркиядан кўрсатилади.

**12.40—15.55
«ЎЗБЕКИСТОН»
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ**
12.40 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар". 12.50 "Тантаналар давом этади...". 13.25 "Байрам вернисаж". Ўзбекистон мусаввирларининг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 2 йиллигига бағишланган кўргазмасидан репортаж. 14.05 "Дунё эшиги". Германия, Туркия иктисодиети ҳақида. 14.50 "Безнен мирас". (татар тилида). 15.40 "Бу ажиб дунё".

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.55 Диснейнинг сеҳрли олами. "Винни Пухнинг янги саргузаштлари". "Қора плашч". 16.45 Спорт кўрсатуви. 16.55 Телефильм. 17.20 "Хар бир кун байрам". 17.30 Си-Би-Эс кинотеатри. "Қутқарилганларнинг энг сўнггиси". Бадий фильм.

**19.10—21.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ**
21.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 21.25 Теннис бўйича АҚШ очик чемпионати. 22.30 "А" программаси "Киношок" фестивалида. Анападан кўрсатилади. ("Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз" дастуридан).

ЭЪТИҚОД БЎЛМАГАЧ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг республика ички бозорини ҳимоялаш тўғрисидаги қарорига кўра юртимизда ишлаб чиқариладиган ва шартнома асосида хорижий мамлакатлардан олиб келинаётган молларни четга олиб чиқиш тақиқланган. Бироқ, шунга қарамасдан аҳоли учун зарур бўлган моллар бойлик орттиришга ҳирс қўйган баъзи ҳамюртларимиз ва мустақил давлатлар ҳамкорлиги мамлакатларидан келувчи сайёҳлар томонидан четга олиб чиқишга ҳаркат қилинмоқда.

Масалан, 21 июндан 28 июнгача, яъни бир ҳафта ичида ички ишлар ва божхона ходимлари вилоят ҳудудидан Эронга саёхатта бораётган сайёҳлардан 3 миллион сўмлик халқ эҳтиёжи учун зарур молларни олиб кетаётганликларини аниқладилар. Олот темир йўл бекатида Тошкентдан Эронга кетаётган Н. Раҳимов раҳбарлигидаги сайёҳлардан четга олиб чиқиш тақиқланган 988 минг 700 сўмлик моллар давлат ҳисобига мусодара қилинди. Тошкент-Ашгабод поездиди Бухоро умумий овқатланиш корхонаси ошпази К. Музаффаров 13 дона биллур идиш, 40 метр сатин газламаси, 548 дона ҳар хил пичоқлар ва бошқа, умумий нархи 125 минг сўмлик молларни четга олиб чиқиб кетаётган пайтда қўлга тушди. Худди шунингдек, Қоровулбозор кўча механизациялашган колонна ишчиси И. Кодиров 200 дона пилла, Қорақўл туманида яшовчи М. Раҳмаев 200 килограмм саримсоқ, қашқадарёлик Г. Очилов 10 дона, унинг ҳамшаҳари С. Ҳайитов 13 дона гиламни четга олиб кетаётган пайтда милиция ходимлари томонидан тўхтатилдилар. Марғилонлик А. Назаровнинг қилмиши ҳамманикидан ошиб тушди. У Эронга саёхатта бориш ниқоби остида, аслида эса бойлик орттириш учун 88 метр материал, 80 дона тўп, 300 дона спорт ракеткаси, 500 дона шарикли ручка, 2000 дона шар, 3000 дона қошиқ, 5 дона радиоприёмник ва бошқа, умумий нархи 528 минг 300 сўмлик молларни олиб чиқиб кетаётган экан.

Жондор туманида сотувчи бўлиб ишловчи О. Шарипов чет элда ишлаб чиқарилган 20 дона туфлини, олотлик Г. Давлатова 25 килограмм "Журавлик" шоколадини, 5 килограмм печеньеени қўшни Турманистонга олиб ўтаётган пайтда қўлга тушдилар. Тошкент-Ашгабод поездини текшириш пайтида вагонларнинг бирдан 120 дона ароқ, бир дона газ плитасининг этаси топилмади. Эҳтимол қонун олдида жавоб беришдан қўрққан савдогар молларининг баҳридан ўтиб қўя қолган.

Шундай қилиб, халқимиз эҳтиёжи учун зарур молларни четга олиб чиқиб кетишнинг олдини олиш мақсадида ўтказилган тадбир натижасида халқ истеъмоли молларини республикадан ташқарига олиб чиқиб кетилаётган 130 факт аниқланди. Сақлаб қолинган молларнинг умумий нархи 18 ярим миллион сўмни ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори талабларини бузгани учун 86 шахс жавобгарликка тортилди.

Шухрат ҚўЛДОШЕВ, Бухоро вилоти ИИБ матбуот гуруҳи ходими, милиция майори.

"КЎРШАПАЛАК"ЛАР

Тун чоғи Қўқон шаҳар ички ишлар бўлимига бир аёл қўнғироқ қилди. — Биз яшаётган уйнинг чордоғига учта ниқоб кийиб олган одамлар чиқиб кетишди. Бир қор-қол бошламасалар деб қўрқаман, — дея манзилгоҳини шоша-пиша айтди.

Маҳрамов, Отажонов бошчилигидаги гуруҳ воқеа жойига тез етиб бордилар. Уларнинг келганини пайқаб қолишдики, ниқобли шахслардан бири иккинчи қаватдан сакраб тушди-да, қўлидаги қуроли билан олдида чиққанларга "йўл беринглар, бўлмаса отиб ташлайман" дея дўқ-пўписа қилиб, қоча бошлади.

Милиция ходимлари огоҳлантирувчи ўқ узиб, ниқобли шахсларни ушлашга муваффақ бўлдилар.

Маълум бўлишича, юзига "парда" тутганлар ашаддий жиноятчилар бўлиб, қўлга тушганларига қадар шаҳарнинг кўп фуқароларини талаб келишган экан. Яна шу нарсани аниқландики, улар шу йилнинг 8 июнь кунини 1966 йилда туғилган ҳайдовчи А.ни ўлдириб, автомашинасини олиб қочиб, уни Ўзбекистон тумани ҳудудида ёқиб юборганлар.

Ҳозирда тунда тентировчи ушбу "кўршапалак"лар устидан тергов олиб борилмоқда.

Ички ишлар идораларига ўз вақтида хабар берган аёлга эса чуқур миннатдорчилик билдириш жоиз. Қани энди, ҳамма ҳам шу аёл сингари милиционерларга ёрдамчи бўлса...

**М. РАЖАБ,
жамоатчи мухбир.**

ЗЎРАВОН ЖАЗОЛАНДИ

БОЗОР Қамаша шаҳрида безорилиги билан отнинг қашқасидай танилиб қолган. Бунинг сабаби бор. У кўча-қўйда юрганда ўзини шер ҳисоблаб текканга тегиб, тегмаганга кесак отиб юради.

Уша кунни ҳам Бозор шаҳардаги "Чилонзор" кинотеатри атрофида "сайр" қилиб юарди. Бирдан кўзи кинотеатр пештоқидаги эълонга тушиб, кўнгли фильм кўришни тусаб қолди.

Ёнида бир мириси ҳам йўқлиги сабабли ўзидан кучсизроқ болани излашга тушди. Шу пайт касса ёнида навбатда турган Абдуманноп Абдуллаевни кўриб қолди.

— Ў, бола, менга кинога битта билет ол, — деди ўшайиб, — ўзимда пул йўқ!

Лекин Абдуманноп Бозорнинг буйруғига бўйсунмади. Бозор сўзи ерда қолганидан роса газабланди.

Фильм тугагач, "танишлар" панароқ жойда яна учрашдилар. Бозор Абдуманнопни роса дўппослаб унга тан жароҳати етказди.

Яқинда Қамаша шаҳар халқ суди "шер" қароқчининг устидан қўзғатилган бу жиноий ишни кўриб чиқди ва зўравонни 3 йилга озодликдан маҳрум этди. Энди у уч йилгача кинотеатр юзини кўрмайдиган бўлди.

Ҳазратқул ҚУДРАТОВ.

Фойдасидан зиёни...

Дўстмамат аканинг ҳаёлига дўкондан тайёр нарса олиб, устига нарх қўйиб сотиш тушиб қолди. Ўзи ҳам бозорга яқин жойда яшайди. Бунинг устига ишламаса, жўжабирдек жон бўлса.

У ўтган йили Эшимқоқ матлубот жамиятига қарашли дўкондан ўз нархда 66 дона совун ва 145 дона рўзгор шами сотиб олди.

Яқинда кунини у Челақ бозорига чиқиб, совун ва шамларни устига нарх қўйган ҳолда сота бошлади. Лекин ови бароридан келмади. Милиция ходимлари томонидан гайриқонуний фаолият чоғида ушланган Дўстмамат Рўзиев терговда ўз айбига иқро бўлиб, қилган ишдан пушаймон бўлди.

Челақ туман халқ суди Дўстмамат Рўзиевни айбдор деб топиб, унга жарима солди.

Зокиржон ҚЎЗИБОЕВ.

ХАЛҚ МУЛКИ ДАХЛСИЗДИР

Ўзбекистонимиз мустақиллигини мустақамлашнинг омилларидан бири унинг иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлишидир. Бу нарса ўз навбатида ишлаб чиқаришни ривожлантиришни, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтиришни ва етиштирилган ҳосилни нест-побуд қилмасдан йиғиштириб олишни талаб этади. Бу нарсани яхши тушунадиган деҳқонларимиз баҳорнинг ноқулай келишига қарамасдан, мўл ҳосил етиштиришди. Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси ходимлари деҳқонларимизнинг ана шу пешона тери эвазига етиштирилган ҳосилнинг бус-бутунлигини таъминлаш, баъзи бир шахслар томонидан талон-торож қилинишига йўл қўймаслик мақсадида тинмай курашмоқдалар.

Жорий йилнинг етти ойи мобайнида вилоятда “Комплекс” ва “Ҳосил-93” тадбирлари ўтказилди. Ўтказилган тадбирлар натижаси шу нарсани кўрсатаптики, қийинчилик

билан етиштирилган деҳқончилик маҳсулотларини йиғиб-териб олишда ўзибўларчиликка, талон-торож қилинишига йўл қўйилиб, хўжаликлар катта миқдорда иқтисодий зарар кўраёттилар. Ҳозиргача ички ишлар ходимлари томонидан 448 ташмачилик факти аниқланиб, халқ мулкига кўз олайтирган шахсларга нисбатан қонуний чоралар кўрилди. Аниқланган ташмачиликнинг 34 таси айти пайтда халқимиз учун керакли бўлган дон маҳсулотларини ўғирлаш фактидир.

Масалан, Когон туманидаги “Когон” давлат хўжалигида яшовчи О. Авезов, Х. Мардонова, Б. Эргашев ва С. Бобоевлар умумий нархи 64 минг 920 сўмлик 1623 килограмм, шу тумандаги “Бухоро” давлат хўжалигида яшовчи Н. Рустамова нархи 24 минг 600 сўмлик 617 килограмм, С. Шамсиев нархи 15 минг 40 сўмлик

376 килограмм донни ўғирлаб кетаётган пайтда ички ишлар ходимлари томонидан тўхтатилдилар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Милиция ходимлари, айниқса, вилоятдаги Когон, Пешку, Ромитан, Бухоро ва Олот туманларида бундай ташмачилик фактларини кўплаб аниқлаёттилар. Нопок шахслар ҳосилни даладан омборларга ташиш пайтида, вақтинча сақлаш жойларидан, ҳатто вилоят дон маҳсулотларини қабул қилиш ва ишлаб чиқариш комбинатидан ҳам ўғирлаб, бойлик орттиришга ҳаракат қиляптилар. Тўқимачилик тумани ички ишлар бўлими вояга етмаганлар иши инспекцияси нозир, милиция катта лейтенанти Ю. Жўраев 93-Механизациялашган кўчма колонна тракторчиси Ш. Тангриевни дон маҳсулотларини қабул қилиш ва ишлаб чиқариш комбинатидан

30 килограмм, участка нозир милиция майори Ф. Туев 9-автокорхона ҳайдовчиси Ю. Давроновни шу комбинатдан 10 килограмм дон ўғирлаб кетаётган пайтда қўлга туширишди ва уларга нисбатан қонуний чора кўрилди.

Ўтказилган тадбирлар натижаси милиция ходимлари умумий нархи 191 минг 480 сўмлик 5545 килограмм донни ташмачилар қўлидан тортиб олиб, давлатга топширишди, айбдорлар эса жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортилдилар.

Амалга оширилган ишлар таҳлили шуни кўрсатаптики, биргина ички ишлар ходимлари кучи билан етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини фақатгина ўз манфаатларини ўйлайдиган баъзи бир нопок шахслар томонидан талон-торож қилиниши тўлиқ олдини олиб бўлмайди. Барча экин

майdonларига, омборхоналарига милиция ходимларини қўйиб чиқишнинг имконияти йўқ. Ўтказилган “Комплекс” ва “Ҳосил-93” тадбирлари натижалари, жойлардаги вазиятлар ўрганиб чиқилди. Етиштирилган ҳосилни талон-торож қилинишидан сақлаб қолиш билан бир қаторда, ёнғиндан сақлаш, яхши сақланишини таъминлаш борасида аниқ таклифлар билан маҳаллий ҳокимият, хўжалик раҳбарларига тақдирномалар юборилди.

Ҳосилни тўлиқ сақлаб қолиш учун, халқимиз дастурхонини тўкин-сочин қилишда хўжалик, ҳосилни қабул қилиш ва қайта ишлаш корхоналари раҳбарларининг ва мутахассисларининг жавобгарлигини ошириш, менинг назаримда муҳим омил ҳисобланади.

И. ТЎХТАЕВ,
Бухоро вилояти ИИБ
профилактика хизмати
бўлими бошлиғи,
милиция
подполковниги.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Тошкент шаҳар ИИББнинг ярим йиллик ҳисобот мажлисида йиғилган милиция ходимларининг кайфияти бирмунча кўтаринки бўлди. Бундай сархушлик самарали меҳнатнинг маҳсули эканлиги уларнинг қиёфаларидан, ўзаро юритаётган суҳбатларидан ҳам яққол кўзга ташланиб турарди.

Бош бошқарма бошлиғи, милиция генерал-майори К. Қ. Голуров мажлисни кириш сўзи билан очди. У ўтган олти ой мобайнида қилинган ишлар, изланишлар натижаси, қанақа тадбирлар ўтказилгани ва унда кимлар қандай фаолият кўрсатгани ҳақида қисқача ахборот бериб ўтди. Сўнгра сўз олган бошлиқнинг муовини М. Деҳқонов 1993 йилнинг биринчи ярим йиллигида Тошкент шаҳар ИИББ идора ва бўлинмаларининг тезкор хизмат фаолиятининг натижалари ҳамда кўрсаткичларни янада ошириш, каттароқ ютуқларга эриша бориш учун режаланган тадбирлар ҳақида гапирди.

Шахсий хавфсизликни таъминлаш бўлими бошлиғи, ички хизмат подполковниги Ю. Н. Бюш-кин эса ўз матрузасида милиция ходимларининг қонунийликка ва хизмат интизомига қандай амал қилаётганлари, масъулиятни чуқурроқ ҳис этишлари учун кўпроқ нималарга эътиборни қаратишлари лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, мажлисда ўтган ярим йилда қилинган ишларнинг ҳисоботи ўқиб эшиттирилди. Унда айтилишича, шу олти ой мобайнида рўйхатга олинган жиноятлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8,2 фоизга камайган. Бундай босқинчилик 27,2, давлат мулкани

ўғирлаш 21,7, шахсий мулкларни ўғирлаш 34,1, фуқароларнинг хонадонларига кириб ўғирлик қилиниши 29,1, автомобилларни ўғирлаб қочиш 29 фоизга, номулса тажовуз қилиш 6,1 ва оғир тан жароҳати етказиш 22,7 фоизга камайиб, жиноятчиликнинг фош этилиши бирмунча ошган.

Сўзга чиққанлар эришилаётган ижобий натижаларни мамнуният билан тилга олар эканлар, ҳали олдинда қилинадиган ишлар ниҳоятда кўп ва машаққатлироқлигини унутмасликларини, ютуқлардан руҳланиб янада фаолроқ хизматга киришишлари кераклигини ҳам билдириб, халқ оқолини тинч ҳаётини таъминлашдек шарафли хизматга бор имкониятларини, билим, қобилият ва маҳоратларини ишга солишларини қатъий ишонч билан айтиб ўтдилар. Шу билан бирга йўл қўйилган камчилик ва хатолар тўғрисида очик-ойдин фикр билдириб, ўз хизмат вазифасига совуққонлик, лоқайдлик билан қараётган ходимларнинг фаолиятига ҳам ҳолисона баҳо бериб, шундай ҳол этадиган бўлса уларга нисбатан тегишли чора қўлланилишини билдирдилар.

Мажлис ниҳоясида киритилган талаб, истак ва таклиф мулоҳазалар иноватта олинди, иккинчи ярим йилликда алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган муҳим масалалар юзасидан қарор қабул қилинди.

А. ХАЛИЛОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ матбуот
гурӯҳининг ходими,
ички хизмат лейтенанти.

Республикаимиз аҳли истиқлолнинг икки йиллигини муносиб қаршилади. Қандай кайфият билан? Ишонч билан айтиш мумкинки, айти кунларда юртдошларимизнинг кайфияти кўтаринки. Чунки, узоқ чўзилиб кетган “ошди-ошди”лар бир қадар барқарорлашди. Иқтисоддаги ижобий ўзгаришлар анча сезилиб қолди. Энг муҳими ва энг асосийси, республикаимизда осойишталик, тинчлик ҳукмрон. Фақат бунга қандай эришилипти? Биз ушбу кичик мақоламизда шу ҳақда фикр юритмоқчимиз.

Осойишталикни сақлаш, албатта биринчи навбатда ички ишлар идоралари зиммасида. Уларга ҳар томонлама мадад бериш эса жойлардаги раҳбарлар — ҳокимларга боғлиқ. Яқинда бўлиб ўтган йиғилишлардан бирида Президентимиз И. Каримов ҳокимларга қарата шундай деган эди: “Ҳоким том маънода ҳоким бўлиши керак. У ўз фарзандига қандай раҳм-ўрлик қилса, ҳар бир фуқарога ҳам шундай муносабатда бўлиши керак. Акс ҳолда ундай ҳоким ҳокимиятга ҳокимлик қила олмайди, ундай ҳокимият ўз-ўзидан емирила боради, халқ оқ ва ишсиз қолиб, натижада ҳамма турдаги тартибсизликлар юз бериши турган гап”.

Президентимизнинг ушбу сўзларидан келиб чиққан ҳолда айтиш лозим, халқимиз олға интилиб бораётган бир пайтда ҳокимларимиз уларнинг олдида тушиб, ишончига ишонч, кучига куч, ақлига қанот, тафаккурига мадад бера олишлари керак. Бундай юксак вазифани ватанпарварона, халқнинг орзу-истаги ва тинчлигини ўйлаб, қолаверса, ҳудуд тозаллигига ободончилиги йўлида кунни кун, тунни тун демай, халқни билан ҳамнафас бўлиб, жадал

АНИҚ МАҚСАД ЙЎЛИДА

ишлар олиб бораётган ҳокимларимиз республикаимизда кўпчиликти ташкил қилади. Ана шундай ўз фуқаросини ўйлайдиган ҳокимлардан бири Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани ҳокими Шавкат Мираминович Мирзиёевдир.

Шавкат Мираминович ўзининг иш фаолиятида, олдида қўйилган энг катта масъулиятли вазифаларни бажаришда ишончли ва яқин ёрдамчи сифатида милицияни кўра билди. Бундай катта кучни тўлиқ фойдали ишга жалб этиш учун ҳокимлик милициянинг ҳозирги кундаги мавжуд муаммоларини ўрганиб чиқди. Ва 1993 йилнинг биринчи ярим йиллигида милиция ишини ҳар томонлама енгилаштириш мақсадида 8 миллион сўм пул, тўртта чет элда ишлаб чиқарилган махсус автомашина, бир дон милиция ишига мослаштирилган махсус “РАФ” автомашинаси ажратилди. Шунингдек, оилавий шароити оғир ходимларга учта уй ажратилди, мавзе ва маҳаллалар қошидаги участка вакилларининг хизмат хоналарини таъмирлашда яқиндан ёрдам кўрсатилди. Ҳозирги кунда эса туманда тўртинчи милиция бўлимининг қурилиши ҳокимиятнинг бевосита ёрдами туфайли тугатилиш ва ишга тушириши арафасида.

Ҳокимиятнинг милицияга бўлган бу эътибори ўз натижасини берди. Жиноятчилик миқдори ўтган йилга нисбатан анча камайди, жамоат тартибини сақлашда муҳим ютуқларга

эришилди. Ҳаракат баракани етаклаб келади деганларидек, тумандаги ижобий ўзгаришларни кўра билган шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси туман ИИБга етти юз минг сўм пул мукофоти ажратди.

Яна бир хайрли ишни таъкидлаш лозим. Айти кунларда жойлардаги участка вакилларининг маҳалла фаоллари, жамоаси билан ўтказиётган учрашувларида туман ҳокими Ш. Мирзиёев, туман прокурори М. Мирзаев, туман ички ишлар бўлими бошлиғи Ю. Салишевлар ҳам мунтазам иштирок этишиб, халқ билан янада яқинлашишга ҳаракат қилмоқдалар. Мавзеларда, завод, давлат корхоналарида, ўқув даргоҳларида ўтказиляётган бундай учрашувларнинг бош мезони мустақиллигимизни мустақамлаш, жиноятчиликка қарши кураш, ободонлаштириш ишларини жадаллаштириш, келажак авлодни муносиб тарбиялашда бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилиш кераклигини таъкидлаш ва биргаликда ҳаракат қилиш бўлмоқда.

Бир сўз билан айтганда Мирзо Улугбек тумани ҳокимияти олиб бораётган хайрли ишлардан жойлардаги раҳбарлар ўрнат олсалар арзийди.

Р.САЛОЕВ,
Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек
тумани ИИБ бошлиғи
ўринбосари, милиция капитани.

Қисқа сатрлар

ҚУЛФБУЗАР УШЛАНДИ

Кейинги пайтда велосипеднинг ҳам бозори чаққон бўлиб қолди. Тухумни ўғирлаган товук ўғирламайди, деб ким айта олади?

Яқинда қадимий ва навқирон Қўқоннинг Хўқондий номли мавзеида шахсий гаражларни бузиб, унинг ичидаги нарсаларни ўмариш билан шуғулланиб келган шахс аниқланиб, қўлга олинди.

У вояга етмаган М.А. бўлиб чиқди. Терговда у ўн бешга яқин фуқароларнинг гаражлари қулфини бузиб кириб, ичидаги велосипедларни ўмариб кетганини бўйнига олди.

Тез кунда у қилмишига яраша жазосини олади.

ҚЎЙ ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ

Ақлини танибдики, фойдали меҳнат билан шуғулланмаган, 1972 йилда туғилган И.Ш. фуқаро В.Одиловнинг хонадонига том орқали кириб, оғилхонадаги учта бўрдоқига боқилган қўйни етаклаб чиқиб кетди. Аммо у узоққа кетолмади. Қўй ўғриси ушланди. Қўй эгасига қайтарилди.

ЎҒРИ ХИБСДА

Яқинда фуқаро М.Муҳамедовнинг уйдан “Горизонт” маркали телевизор йўқолиб қолди. Милиция ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан ўғри ушланди. У 1967 йилда туғилган, ҳеч қаерда ишламайдиган И.А. бўлиб чиқди. Ўғри хибсга олинди.

САЗОЙИ ҚИЛИНДИ

Ўзларингизга маълум, масжид мусулмонларнинг намоз ўқиладиган жойи. У ердаги ҳар бир нарса муқаддас ҳисобланади.

Кейинги пайтда мана шу муқаддас даргоҳга қадам ранжида қилган намозхонларнинг велосипедлари тез-тез йўқолиб қоладиган бўлиб қолди.

Ички ишлар бўлими ходимлари сарҳисоб қилинса, масжиддан роппароса саккиз дон велосипед ўмариб кетилибди.

Тез орада жамоатчилик ёрдамида ўғри ушланди.

Маълум бўлишича, велосипед ўғриси шу ерда истиқомат қиладиган 21 яшар, икки нафар фарзанднинг отаси экан. Тергов ҳаракатлари кетаётгани туфайли унинг исм-фамилиясини ошкор этмаймиз. Ўғри қилган айбини тўлиқ бўйнига олди.

Халойиқ ўғрининг бўйнига “Велосипед ўғриси” деб ёзилган тахтачани осиб роса шарманчасини чиқарди. Сўнгра айбдорни қонуний чора кўриш учун ИИБ ходимларига топширишди.

ЖАЗО МУДДАТИ — САККИЗ ЙИЛ

Фарғоналик Ғ.Ёқубов 1956 йилда туғилган, тўрт марта судланиб, умрининг 12 йилини қамокда ўтказган.

Яқинда у “Ешлик” қаҳвахонасида улфатчилик қилиб ўтириб, ўзаро жанжал туфайли ҳамроҳи С.Қодиралининг қорнига пичоқ санчиб юборди. Воқеа тафсилотлари ўрганилиб, айбдор Ғ.Ёқубовни халқ суди саккиз йил муддат билан озодликдан маҳрум қилди.

М.РАЖАБ,
Қўқон шахри.

(Боши 63—68-сонларда).

Хўш, ортиқча кўрқисга ҳожаат йўқ, қизча ҳеч кимга оғиз очиб ўтирмайди. Айтганда ҳам унга ким ишонарди? Қизчаларнинг бошини бўлмагур гаплар билан қотирадиган йигитлар озми? Бирортаси ҳазиллашибди дейишар. Хужжатларим жойида, текширган тақдирда ҳам аввалига ҳеч нимани сезишмайди. Кейин Москвадан «куён» бўлиш ҳам мумкин. Арз-додларингизни ҳудого айтасизлар. Меҳмон бўлиб келишган эди, вассалом. Алланинг хужжатлари аввалдан жуда ишончли. У геолог. Бунинг хатто кулай томони кўп, чунки геологда пул кўп бўлиши ажабланирли эмас. Шундай бўлсада Клич биринчи марта хол кўйди, терговда ҳам эмас, шунчаки ўзидан ўзи чув тушди.

— Нимага сен бормайсан? — ўзини тутта олмайди Алла. — Ресторандаги ўйноқига кўнглинг суст кетди? У бошқа даланинг меваси, Клич.

— Уни аралаштирма, — тўнгиллади Клич.

Равшанки, Алла куйинди ҳидини сезмоқда, пул тўғрисида ҳам сафсата тўқимоқда. Кличда ҳам, унда ҳам ҳали уч ойга етадиган запас бор. Ўғирлик пуллари бўлсада...

...Клич Катта театр олдидидаги майдонни эҳтиёткорлик билан узокдан, кўча четидан туриб кузатди. Ҳа, у келибди. Клич узок вақт тайсаллади, фақат Таня очикдан-очик безовталана бошлади боришга қарор қилди. Бўлганича бўлар. У бу ерга нима учун келганини, Таня нимага келганини буткул унутган эди. У кўчани кесиб ўтиш эмас, балки қандайдир номаълум олисликка бориш керак бўлганидек ўзини ҳорғин сезарди.

Унга нима бўлди? Фаввора енида турган ана шу нотаниш қизнинг олдига боришга уни нима мажбур қилмоқда? Севгими? Йўқ, севгининг ўзи бўлмагур гап. Ўша кун кўп ичганидан уни яхши эслолмайди ҳам. Қандай қилиб севги ҳақида гапириш мумкин! Лекин у нима учундир Кличга ишониб қолди... Алла ҳам ишонади, бўлмаса сумкачадан тўппончани олмас эди. Лекин

Таня?

— Адамми? Улар гаройиб одамлар, ҳаётлари енгил ўтмасида доним мен билан ҳазиллашадилар. Мен жуда кичкиналик пайтида баъзан, ишдан келиб енимга ўтирадидиларда овозларини йўғон қилиб гапирардилар: «Мен сенга, Таня, минг марта айтдимку — Африкага борма деб, Африкада горилла бор, Африкада акула бор...». Мен эса бу эртақларни ўқиб чиққанман. Қизиқ ўйинга айланиб кетарди... Адам бир йилдан бери уйда эмаслар. Улар Сурияда кўприк қураптилар. Кечирасиз, лекин...

Таня тўхтади, Кличнинг кўзларига тик қаради.

— Ҳар ҳолда ростми?

— Рост.

— Бахти қаро, — у қўлларини ёноғига қўйиб, бошини чайқай бошлади. — Қандай қилиб ёруғ дунёда шундай яшаш мумкин? Мен, эҳтимол, ҳеч нарсани тушунмаётгандирман. Лекин бу нарса дахшат-ку. Қандай бахти қаросиз!..

У орқасига бурилди ва жадал метро бекатига қараб юрди. Клич унинг ортидан руҳи тушиб кетган ҳолда эргашди. Уни ҳозиргача ҳеч ким бундай деб атамаган эди. Таня Клич унинг ортидан келатганини биларди, метро бекатига кириш жойида тўхтади.

— Бугун... бошқа ҳеч нима керак эмас. Агар хоҳласангиз... Мен, тўғри, билмайман, нима учун... Эртага мени анави ерда, Дорилфунунга чиқиш олдига кутинг, — у Моховая кўчасидаги дарвозани кўрсатди, — мен дарсдан соат учда чиқаман.

У дарҳол кўздан ғойиб бўлди. Кличнинг қалби ҳали бунчалик гаш бўлмаган эди. Уни тутишган, суд қилишган, қўриқлашган, лекин бундай ҳолларда газабдан ўзини қаерга қўйишга жой топа олмай қоларди. Ҳозир газабланмади, лекин ўзини илгарилари бунчалик ёмон ҳис этмаган эди.

Миясини кемириб етган ҳаёллардан фориғ бўлиш учун Ермолова театри енидаги «Марс» қаҳвахонасига кирди, вино, овқат буюртирди. «Яхшиларга ҳам, ёмонларга ҳам садқан сар. Манави Таня — поқдомон, анави Алла — ўғри. Бу дунёда ҳеч ким ҳеч кимга керак эмас».

У кўп ичар, бетиним овқат кавшар, лекин таъмини сезмасди, қалби эса борган сари муздек бўлиб бормоқда эди. Эҳтимол, ана шундай дақиқаларда одам ўзини ўзи ўлдирса керак.

7.

— Бу еққа кел, Кличжон, — ошхонадан туриб Алла уни чақирди. — Қўрқма, чақиб олмайман.

У опасининг ҳалатини кийиб олган, сочлари таралмаган, ҳорғин кўринарди.

— Анави тентақларга элликтилик бериб, қишлоққа жўнатиб юбордим. Бир сайр қилишсин, дам олишга қўйишмайди, — нафрат билан гапирди Алла. — Пиянистамиз хатто кўлимни ўпди-я... Сигаретинг борми? Меники тугабди, кўчага чиқиб келишни эса хоҳламайман. Ичасанми? «Россия»дан бор... Кличжон, негадир муросамиз келишмай қолмоқда. Иккаламиз ҳам жиннилик қиялмиз. Шундай бўлаверса, уришиб қолишимиз ҳам ҳеч гап эмас. Менимча, иккаламизнинг ажрашиб-кетганимиз маъқул. Мен Тюменда бўламан. Манзилгоҳимни биласан. Эслаб қолсанг қақирасан. Ўзинг Тошкентга жўнайсанми?

— Билмадим, Алка. У ерда қўлбола мусаллас кўп, яна бир баалога учрашим мумкин. Колонияга қайтиб боришни эса ҳозир истамайман.

— Мен сени яхши тушундим. Сен ҳар нарсага аралашаверма. Нафасингни ростлаб ол. Жимгина юр, ҳаммаси ўтиб кетади. Пулинг ҳозирча бор, мен яна бераман. Маъқулми?

Улар ошхонада жимгина ўтиришарди, четдан қараганда улар оилавий ишларини муҳокама қилаётган эр-хотинни эслатишарди.

Кличнинг кўнгли гаш эди. Эртага нима қилишингни билганинда йиғиштириб қўйиш ўринли бўлади. У эса билмасди. Унинг тақдир шундай

бўлдики, фақат бир ишни қойиллатиб бажаришни ўрганди. «Пешона терини тўкиб ишлаш» унинг доирасидагилар учун шармандалиқ ҳисобланарди. Ахир, яшаш учун нимадир қилиш ҳам керак. У нима қилишни билмас эди. Ҳозир ким биландир юракдан чиқариб самимий фикрлашса қандай яхши бўларди. Лекин Алка билан маслаҳатлашмайди-ку, ахир. У ҳеч нарсани билмаслиги керак, ҳожати йўқ. У бу масалада маслаҳат бера олмайди.

Москвадаги ана шу охириги кун кўнгилда гашлик уйротди.

— Опамникида энди бўлма, — эслатди Алла. — Кўзининг олдига хира пашша бўлма.

— Келмайман.

Эртасига у Аллани кузатиб қўйди. Қозон вокзалида у гала-говурда бир лаҳза иккиланиб қолди. Нимани дангал айта олади?

— Учрашувимиз қандайдир аҳмоқона бўлди, бундай бўлади деб ўйламаган эдим. Хўп, майли, сен билан бўлдим. Фақат унутма, сени узок кутини хоҳламайман. Келмасанг — бошқа эркакка илакишиб кетаман.

Улар майдалаб ёғатган ёмғирни кузатиб перронда турар эдилар. Клич ҳам Алланинг чеҳрасидаги ранжни кўриб, пушаймон бўла бошлаган эди. Лекин у ҳақиқатан ҳам уйда, Тошкентда бўлиши керак. Алла эса нимагадир унинг шахрини ҳеч қачон ектирмаган. Балки у ерда бирор вақт нохушликка учрагандир, ким билади. Энди у Алланинг ҳаётида доғли жойлар борлигини ҳам билади.

— Ушланиб қолмайман, — хотиржам қилди у. — Мен учун ҳам у ернинг иклими тўғри келмайди. Бориш билан Клич пайдо бўлибди деб ортимдан одам қўйишади.

— Яхши бор.

— Сен ҳам.

...Соат учда эса у дорилфунун дарвозасининг олдига турарди. У ҳеч қачон бу ерда бўлмаган эди. Скамейкаларда конспектлардан бошини кўтармасдан талабалар зич бўлиб ўтирган мўъжазгина хиёбонда у ўзини ноқулай, бегонадек ҳис этди. Уларнинг ҳаммаси, узун оёқли, сочлари ўсиқ еш қизлар Кличга гоятда зерикарли бўлиб туюлди. Унинг олдига Таня шошиб яқинлашуви биланоқ сўради:

— Наҳотки, шулар қизиқарли бўлса?

Таня унинг ҳолатини дарҳол фаҳмлади.

— Одил, илм олиш — вазифа эмас, турмуш тарзи. Сизга ахир қизиқарли эмасми?

— Анча-мунча, — кулимсиради у. — Хув анави қиз нимага бунча куёнади? Йиғлабди, таъби тирриқ кўринади.

— Ҳеч нарсага ақлингиз етмайди! Ҳозир — сессия пайти. Демак, синов ёки имтиҳондан йиқилган.

— Йиқилган? Мен йиқилиб тушсам, мени соқчилар қуршовида олиб кетишади. Наҳотки, йиқилган одам шундай бўлса?

— Биласизми, Одил, мен айна шу ҳақда ўйлаган эдим... Мен уйга шошиляйман. Агар хоҳласангиз... Унда кетдик. Хўш, мана, сиз, сизнинг ҳамкасбларингиз... Худойим, ранжитиб қўйишдан кўрққанда қанчалик қийин бўлади.

— Сиз кўрқманг, нима ҳам дердим.

— Умуман олганда сиз ҳам ҳамма кишилар қаторида инсоний туйғуларни кўнгилдан кечирасиз. Кўрқув, ўқинч, қувонч, алам сизга ҳам ет эмас. Лекин сабаблари жуда ҳам турлича. Айна шу нарса энг дахшатлиси. Барча кишиларни қайгуга соладиган нарса сиз учун бахт келтириши мумкин. Тушунасизми?

Автобус Ленинские Горига Инкилоб майдонидан ўтиб борарди. Таня дарҳол навбатдагиларнинг охирига бориб турди. Клич такси тўхтатмоқчи бўлди, лекин у шундай назар ташладики, дарҳол ниятидан қайтди. Автобус манзил сари тўхтаб-тўхтаб узок юрди, улар эшик ортида қимирлаётган жим турардилар. Ниҳоят бинонинг учинчи қаноти олдига автобусдан тушганларида Клич хатто доғдираб қолди. Москванинг исталган чеккасида

кўриниб турадиган бу бинони у биринчи мартаба яқиндан кўрмоқда эди. Таня кириш эшигидан дадил ўтдида, бахтёрға уни таништирди:

— Менинг меҳмоним.

— Хужжатларингизни қолдиришингизга тўғри келади, умуман олганда меҳмонларни киритиш тақиқланган, — маънодор қилиб сўзлади вахтёр аёл меҳмонга шунчаки кўз ташларкан. Кличга илк дафъа ўз хужжатини ана шундай оддий сабаб билан кўрсатишга тўғри келди. Лекин вахтёр хужжатга бир назар ташлаган бўлдию, қўлини силтади:

— Бораверинг. Барибир...

Нима учун унга барибирлигини Клич тушуна олмайди ва у жимгина Танянинг ортидан юрди. Улар қандайдир йўлаклардан ўтишди, лифтда кўтарилишди, кейин яна юришди ва ниҳоят унинг хонасига етиб келишди. Бу хона иккита жуда кичик хонага бўлинган бўлиб, икковининг майдони битта хонадан катта эмас эди. Талабалар ана шундай ҳужраларда яшашадими? Лекин эътибор билан қараганида умуман олганда зарур нарсаларнинг ҳаммаси — стол, икки стул, кроват, жавонлар, кийим шкафи, чамадонлар қўйиладиган жой борлигини кўрди. Энди хона унга жуда ҳам вагон купесини эслатди.

— Наригидачи? — деб сўради у нимагадир шивирлаб.

— У ер ҳам худди шунинг ўзи. Англиялик бир киз яшайди.

— Англиялик? Қойил-ку. У билан муносабатингиз қалай?

— Бир маромда. Гаплашиб тураимиз. Овқатланиб келайлик, очликдан йиқилиб тушай дегиман.

Ошхонада Таня гоятда камтарона овқат олди, Клич уни қойилмақом қилиб меҳмон қилмоқчи бўлганида яна ёмон қараш қилди. «Ўғирланган пуллардан ҳазар қиялпти», — ниҳоят Клич фаҳмлади ва маъноланди. Уни алдаб бўлмайди. Таня бутунлай бошқача яшайди. Шундай бўлсада, ҳозир ҳам миясига Таня уни тутиб бериши мумкинлиги келмагани таажжуб.

Овқатланиб бўлгач, улар хонага қайтишди. Таня талаб қилди:

— Хўш, ҳикоянгни бошланг, Одил.

— Нимани ҳикоя қилай? — талмовсираган бўлди Клич, у ўғрилар ҳаётидан гаройиб ҳикояларни эшитмоқчи деб ҳаёл қилиб.

— Бундан кейин қандай яшашни ўйлабсизми? Ахир сиз инсонсиз-ку! Ўзингизни нега бунчалик хурмат қилмайсиз!

Клич ўз умрида бундай сўзларни кўп эшитган. У қизнинг сўзларини тўхтатиш учун оғиз жуфтлади. Унга панд-насихатлар керак эмас. Лекин Таня насихат қилиб ўтирмади. Дарҳол столнинг енига ўтирди. Қалам, қоғоз олди.

— Қаерда ишламоқчисиз, яшамокчисиз? Қариндошларингиз борми? Холавачангиздан ташқари, албатта. Тошкентдами? У ерда ҳеч қачон бўлмаганман... Мана манзилгоҳим, ишларингиз жўнашиб кетиши билан менга дарҳол хат ёзинг. Фақат... Фақат бир ҳолдагина езингиз мумкин...

Хом сут эмган Клич эса ана шу еқимтой қизча билан ошиқ-маъшуқлик қиламан деб ўйлаган эди... Лекин энди ҳис-туйғулар ҳақида гапиришга уринишининг ўзиеқ Таняни ундан узоклаштиришини фаҳмлади. Йўқ, оғайни, у сен ўйлаганларга ўхшамайди.

— Ҳозироқ вестибюлга борамиз. Сиз самолётга чипта буюрасиз ва учиб бораётганингиз ҳақида уйга телеграмма берасиз. Мен эса... Сизни кузатиб қўйганим бўлсин. Тўғри, ҳозир сессиям бор, ўзингиз тушунасиз.

Маънос бўлиб қолган Клич у билан йўлаклардан ўтди, чипта олди, телеграмма юборди. Ўзини худди лақиллатиб кетишгандек ҳис этди.

Таня Домодедовога бормади, аэровокзалга кузатиб қўйди, хайрлашиб қўлини кўтарди.

— Тақдирингиз ҳақида жуда ташвишланиб қолайман. Ҳеч бир инсон ана шундай яшашга ҳақли эмас. Ахир, умр-битта, иккинчиси бўлмайди.

(Давоми бор).

Юрий ВОЛОГИН

НОМЗОД

ҚИССА

— Эсингдан чиқарма, Клич, — ошқора пўписи билан деди Алла. — Дон олишини ҳаёлингдан чиқар. Кўзларингни ўйиб оламан. Лочиним, сен билан бирга жуда пишиқ ип билан боғланганман. Ўзинг ҳам биласан, ўғрилар қонунида айтилганки...

— Марҳамат қилиб айтингчи, Сонька Тилла Қўл! Қонулар езасан. Ўзинг ахир...

— Хўш! Хўш, охиригача гапир... — Алла қўпол оҳангда ёмон сўз айтиб сўкинди.

— Оғзингга қара! — Клич уни тўхтатмоқчи бўлди, лекин Алла ўзини тутта олмай қолди, бундай ҳол унда жуда сийрак бўларди.

— Тилинг чиқиб қолдим, — истехзо қилди у. Бирдан у қаҳр билан шивирлади: — Оппоқкина бўлишни хоҳлаб қолдингми? Мен сан газанданинг фотиҳасини ўқийману, ўзим МҲҲга бораман. Англадингми?

У сумкачасидан охисталик билан «Вальтер»ни олди. Кличнинг ранги қув ўчди, орқага тисарилди, елкаси билан деворга қапишди.

— Менинг йўқотадиган нарсам йўқ, тушундингми? Сен бугуноқ мен билан айтган жойимга жўнайсан. Мендан қочиб қолишни ҳаёл қилсанг — барибир бўла оламан. Сен Алкани яхши биласан. Хўш? Жавоб бер!

Клич ниҳоят ўзини босиб олди, девордан нарироқ турди, қўлларини чўнтагига солди.

— Отмайсан. Журъатинг етмайди. — Аллага эътибор ҳам бермай ошхонага кирди, жўмракни бураб, оғзи билан сув ича бошлади.

Алла орқада, елкасини эшикка тираб турарди. Тўппончани аллақачон яшириб бўлган эди.

— Пул тугаяпти.

— Пул нима ўзи? Гўнг. Бугун йўқ, эртага бир уюм бўлади.

— Тугаяпти. Бу ердан тезроқ жуфттакни ростлаш ҳам керак. Опам шубҳаланиб қолди.

— Қандай идрокли опа экан! Қанча йилдан бери шубҳаланмаган эди.

— Беҳуда гапни қўй! Бугуноқ унга пул бераман. Эртага эса...

бошқача ҳаёлда бўлди. Нимани ўйлаган экан?... Йўқ, бугун Алла отиб ўтирмади. Лекин бошқа ҳолда ва бошқача вазиятда аяб ўтирмайди. Лекин буниси нима учун ишонди? Унга тўғриси айтгани учунми? Лекин бундай ростгўйлик чўчитади. У эса келди.

Салом, Таня, — секингина деди Клич қизнинг енида тўхтаркан.

— Салом, — маънодор жавоб берди Таня, унга диққат билан қаради, бошини қуйи тушириб, оҳиста юра бошлади. Клич унга эргашди, нимадан гап бошлашини билмас эди.

— Мен билан театрга кирмоқчи бўлсангиз, янглишибсиз, — Таня ярим ўтирилиб, бошини кўтармасдан сўзларди. — Сиз... сиз, кеча ростиин айтдингизми? Агар ҳазиллашган бўлсангиз, жуда қаттиқ ҳазил қилдингиз. Агар тўсатдан ҳақиқат бўлиб чиқса... Жуда ҳам дахшат. Нима бўлганда ҳам театрга кириш кўнглимга сиймайди.

Клич бу қизга нима деб жавоб беришни билмай қолди. Нима учун ҳаммасини ҳазилга буриш, кечирим сўраб, бирор ерга бирга бориш, валақлаш мумкин эмас?... Лекин у кишиларни у кўп маротаба осонгина алдаган, ўзини хоҳлаган одами деб танитиб юрган бўлсада, ҳозир нима учундир ана шундай қила олмайди. Улар жимгина Дзержинский майдони, «Болалар дунёси»га келдилар, сўнг орқаларига қайтдилар.

Бу пайтда Қизил майдонда жимжитлик ҳукм сураб, одам кам эди. Таня нима учундир майдондан ўтмайсан ГУМ енидан юрмоқда эди, у нима ҳақдадир жиддийлик билан ўйлаб сукут сақламоқда эди. Клич ҳам сукутда эди.

— Бу майдонда 1941 йилнинг еттинчи ноябрида бобом қасамед қилган... У халқ лашкарида эди. Кейин ҳалок бўлган. Шуниси галатки, ҳозир ўзининг боболарини биладиганлар жуда кам. Мен бобомни жуда яхши кўра олишимга ишончим комил. Худди адамини яхши кўргандек.

— Адангиз ким бўлиб ишлайди,

Магазинчи жазоланди


33 БАҲОРНИ кўрган Зайнобиддин Эргашев Риштон тумани ишчилар таъминоти бўлимига қарашли 13-дўконда катта сотувчи бўлиб ишлайди.

Вилоят ички ишлар бўлимига унинг устидан шикоят тушди. Текширув ўтказилганда сотувчи давлат-мулкдан 12 минг 545 сўм 31 тийин ўзлаштириб

юборгани, бундан ташқари 12 минг сўмлик молни ҳужжатсиз сотиб олгани маълум бўлди.

Тергов жараёнида Зайнобиддин қилган жиноятларини бўйнига олди. Риштон туман халқ судининг ҳукмига биноан Зайнобиддин Эргашев икки йилга ахлоқ тузатиш жазосига кесилди ва ҳар ойлик маошидан 20 фоизи давлат ҳисобига ўтказиладиган бўлди.

Набижон ЁҚУБЖОНОВ,
Риштон туман прокуратураси
терговчиси.



ТОШКЕНТ — Янгийл — Чиноз катта йўлидан ўтиб қолсангиз, йўл ёқасида ўтлаб юрган қўй-қўзи ва қорамолларни учратасиз. Кўпинча улар транспорт воситаларининг олдида чиқиб қилиб, йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига сабабчи бўлиб қолмоқда.

Суратда: ана шундай эгасиз жониворлардан бирини кўриб турибсиз.

Ҳ. ШОДИЕВ олган сурат.

ОЛҒИРЛАР

Ҳозирги кунда нима тақчил? Ёқилғи-да! Унинг ҳар томчисини тежаб-тергаб ишлатиш, исрофгарчиликка йўл қўймастик зарур. Аммо айрим раҳбарларнинг лоқайдлиги ва совуққонлиги туфайли баъзи ҳайдовчилар давлат техникасидан ўз шахсий машинасидек фойдаланяптилар. Кўпинча меҳнатсиз даромад топиш йўлида бозор-ўчарга бўзчининг мокисидек қатнаб, фойда ортирмоқдалар.

Шундайлардан бири Қарши шаҳар курилиш ва таъмирлаш участкаси шофери Юсуп Исмоиловдир. Ўзига биркирилган ГАЗ-53 русумли 06-62 КФН рақамли автомашинада мол ортиб бориб, шахсий манфаати учун фойдаланган. Худди шунингдек "Қаршиқурилиш" бирлашмасига қарашли 9-автокорхона шофери Абдураим Нуралов "Ераз-762" русумли 08-15 КФМ рақамли автомашинада бозорга мол ортиб борганда ушланди.

Давлат техникасидан ўз манфаати учун фойдаланганлар кўплаб учраши дилни ранжитади. Биргина шу йилнинг 4 июль кунини вилоят ҳудудида ўтказилган рейд натижасида давлат машинасини автосаройга қўймасдан бозор-ўчарга олиб чиққанлардан 5, одам ташиш қондасини бузганлардан 13, техник носоз ҳолда транспорт воситасини бошқарганлардан 12 киши ушланди. Бу қондабузарлардан жарималар ундирилди.

Р. ҚИЁСОВ,
Қашқадарё вилояти ИИБ ДАН
бўлими тарғибот ва ташвиқот
ишлари катта нозир, милиция
катта лейтенанти.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Наманган вилояти, Уйчи тумани ички ишлар бўлими томонидан бедарак йўқолган қуйидаги фуқаролар қидирилмоқда:



Абдунаби Ғаниев. 1948 йилда туғилган. Уйчи шаҳарчаси, Карнайчи кўчасидаги 27-уйда яшаб келган. У 1991 йилнинг 27 сентябрь кунини уйдан чиқиб кетганича қайтмаган.

Белгилари: бўйи 180 см. атрофида, ўртача қоматли, думалоқ юзли, кўзлари жигарранг, сочи қора ва қалта.

Уст-боши: бошида чуст нуса дўппи, эгнисида кулранг кител, кўкрак томони мовий ранг ва пастки қисми жигаррангли жемпер, оёғида 43-размерли қора туфли бўлган.

Алоҳида белгиси: ўнг қўлининг остида — қўлтиғида 5-6 см. узунлигидаги чандиқ бор.



Содиқжон Турдибоевич Мусаев. 1977 йилда Уйчи туманида туғилган. Ёрқатой қишлоқ кенгаши, Ҳамза кўчасидаги 48-уйда яшаб келган. У 1992 йилнинг декабрь ойларида уйдан чиқиб кетганича қайтмаган.

Белгилари: бўйи 130-135 см атрофида, ориқдан келган, сочи қора ва қалта, қўлоқлари катта, бурни ва оғзи ўртача.

Алоҳида белгиси: пешонасидан кўндалангига ёшлиғида олган жароҳатидан қолган 3 см. лар атрофидаги тиртиги бор.

Наманган вилояти, Уйчи тумани ички ишлар бўлими томонидан жиноят содир қилганликда айбланаётган қуйидаги фуқаролар қидирилмоқда:



Аҳмаджон Эргашбоевич Умаров.

1956 йилда Наманган шаҳрида туғилган. Уйчи тумани, Унхат шаҳарчасида яшаб келган ҳолда 1991-1992 йиллар мобайнида бир неча жиноятларни содир этган ва Ўзбекистон Республикаси ЖМнинг 85, 111, 128-3, 200, 126-2, 204-2-моддалари бўйича жиноий иш қўзғатилган.

Белгилари: бўйи 160 см. атрофида, ориқдан келган, қотма, сочи қора ва қалин, кўпинча олдириб юради, қошлари тўғри ва қалин, алоҳида белгиси йўқ. Ҳозирги вақтда соқол қўйиб юрган бўлиши мумкин.



Абдурахим Қайумович Ҳамраев.

1955 йилда Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, Шаҳанд қишлоғида туғилган. 1992 йилнинг 21 май кунини Уйчи туманида яшовчи танишинида бўлган ва у ердан чиқиб кетган, ўғрилиққа қўл урган. Ўзбекистон Республикаси ЖМнинг 125-5 моддаси бўйича айбланмоқда.

Белгилари: бўйи 165-170 см. атрофида, ўртача қоматли, қорачадан келган, сочи қалин ва қора, қошлари тўғри ва қалин, бурни катта ва тўғри, мўйлови қора ва қалин.

Ушбу бедарак йўқолган ва қидирувдаги жиноятчилар ҳақида бирон бир маълумотга эга фуқаролардан бу ҳақда Уйчи тумани ИИБга ёки энг яқин милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз. Қўрсатилган ерданнингиз учун олдиндан миннатдорчилик билдираемиз.

МИЛИЦИЯ ВАБОГА ҚАРШИ КУРАШДА

Қўшни республикаларда юқумли вабо касаллигининг топилганлиги Хоразм милицияси зиммасига ҳам жуда катта ва масъулиятли вазифаларни қўйди. Зеро, зудлик билан бу касалликнинг вилоят ҳудудидаги аҳолига тарқалишининг олдини олиш зарур эди.

Вилоят ҳокимининг шу йил 10 августдаги "Вабо юқумли касаллиги тарқалишининг олдини олиш юзасидан" берилган буйруғида ҳам Хоразм милицияси олдида жиддий вазифалар қўйилган. Хоразм вилоятининг Қорақалпоғистон ва Туркменистон республикалари чегараларидан ўтадиган йўлларида махсус назорат постлари ташкил этилиб, чегарадан ўтган ҳар бир шахсни рўйхатга олиш, жамоат жойларида қўлда тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилиш устидан қаттиқ назорат ўрнатиш, сув тармоқлари ва сув ҳавзаларининг тоза сақланишини кучайтириш, паспорт режимини назорат қилиш каби тадбирларни амалга ошириш белгиланган. Биз вабо касаллиги ҳақидаги хабарни бошқа ташкилотларга қараганда аввалроқ олдик. Шу боис ҳам 6 августдан бошлаб барча туман ва шаҳар ички ишлар бўлимига махсус телеграмма жўнатилиб, чора-тадбирлар аниқ белгилаб берилди.

Ўзбекистон ИИБ Тиббиёт бошқармасининг шу йил 22

июлдаги кўрсатмаси ва буйруғига асосан вилоят ички ишлар бошқармаси, жамоат тартибини сақлаш бўлимининг санитария-милицияси, санитария-эпидемиология станцияси ходимлари билан биргаликда махсус режа тузилди. Режанинг сифатли қилиб бажарилишини таъминлаш учун вилоят ички ишлар бошқармасидан 5 нафар, санитария-эпидемиология станциясидан 5 нафар ходимдан иборат гуруҳ ташкил этилди. Бу гуруҳ аъзолари қисқа вақт ичида вилоятдаги мавжуд ичимлик сув ҳавзалари ва 135 та овқатланиш муассасаларини текширишдан ўтказдилар.

Вилоятимиз чегарасида божхона бошқармаси постларидан ташқари ҳозир 25 та кеча-кундуз ишлайдиган постлар кучайтирилган режим асосида ишлаб турибди. Постларда милиция ходимлари билан биргаликда шифокорлар ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, яна қўшимча равишда 21 та кўчма постлар ташкил қилинди. Шунингдек, бу касалликнинг олдини олишда асосий этибор темирйўл вокзали, аэропорт ва автовокзалга қаратилган. Чунки аҳолининг кўпчилиги вилоятдан ташқарига чиқиб озиқ-овқат маҳсулотлари, ҳар хил ичимликлар ва ҳоказо нарсаларни олиб келишлари мумкин.

Вилоят ички ишлар бошқармаси қўриқлаш бўлими томонидан қўриқланаётган сув тармоқлари ва ҳавзаларига қўшимча соқчилар қўйилди.

Бизни қўшни вилоят ва республикаларда вабо касаллигига дучор бўлган кишилар аниқланганлиги ҳақидаги хабарлар ташвишга солмоқда. Жумладан, Қорақалпоғистон республикасидан келган хабарномада 9 нафар фуқаро вабо касаллиги белгилари билан оғриганлиги ва касалхонага ётқизилганлиги ҳақида айтилади. Маълум бўлишича, улар Тахиятош ГРЭС ёнидан оқувчи Тас-жап каналда чўмилишган. Ушбу сувда касаллик таёқчалари борлиги тасдиқланган.

Тошкент шаҳрининг Миробод туманидаги юқумли касалликлар касалхонасидан тушган хабарга кўра, Риночний берк кўчасидаги 5-уйда вақтинча яшовчи В. Гордеевниқига меҳмонга келган онаси, нафақахўр С. Гордеева ўтқир ичак хасталиги билан оғриб касалхонага ётқизилган. Такрор олиб борилган текширувлар натижасида унда вабо касаллиги аломатлари борлиги аниқланган.

Мазкур мисолларнинг ўзи ҳам хавфли вабо касаллигидан сақланишни тақозо қилади.

Б. МАШАРИПОВ,
Хоразм вилояти ички ишлар
бошқармаси матбуот гуруҳи
катта нозир.



Сирдарё вилояти, Оқ олтин тумани ички ишлар бўлими томонидан 1982 йилда Тожикистон Республикаси, Ленинобод вилояти, Гони тумани, Матк қишлоғида туғилган, Ўзбекистон Республикаси, Сирдарё вилояти Оқ олтин тумани, У.Юсупов номи давлат ҳўжалигининг 6-бўлимида яшайдиган **Аҳмаджон Ортиқбоевич Ҳожибеқиев** қидирилмоқда.

У 1993 йилнинг 29 июлида бўлим шийпонидан кетиб қолган ва шу кунгача бедарак.

Белгилари: миллати тожик, бўйи 130-140 см. атрофида, йўқолган вақти сочлари олтингиз эди, қўйқўз.

Уст-боши: бошида оқ рангли собоқли қалпоқча, эгнисида кўкрагига айнақча туширилган оқ футболка, оч жигарранг шим, оёғида қалин бўлган.

Алоҳида белгилари: сўт тишлари тўқилган, дудуқланиб гапирди, ўзбек ва тожик тилларида гаплаша олади.

Аҳмаджоннинг кейинги тақдирдан беҳабар бўлганларини бу ҳақда Оқ олтин тумани ИИБ ёки энг яқин милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.



Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ички ишлар бўлими томонидан бедарак йўқолган **Нуралли Қаҳҳорович Тожиев** қидирилмоқда. У 1950 йилда Самарқанд вилоятида туғилган, Тошкентда Цеховая кўчасидаги 15-уйда яшаган. 1993 йил 22 июлда ўзининг оч жигарранг тусли давлат номери 71-11 ТНҚ бўлган ВА3-2103 автомашинасида кўчага чиқиб кетган ва дом-дараксиз йўқолган.

Белгилари: юзи чўзинчоқ, қошлари тўғри, тишлари бутун, мўйлови бор.

Алоҳида белгилари: чап қўлининг катта бармоғида "Н.К." татуировкаси, ўнг сонида куйгандан қолган 10-12 сантиметрли чандиқ бор.

Италияда ишланган оқ кўйлак, кулранг шерсть шим, қора чарм туфли кийган эди. Н.Тожиевнинг қаварлигидан ёки унинг кейинги тақдирдан хабардор бўлган кишилардан Тошкентда 55-98-21, 55-94-96 телефонлари орқали, яқин орадаги милиция бўлимига ёки 02 телефони орқали хабар қилишларини сўраймиз.

- Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очик эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси тахририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000021. Буюртма Г — 554, 33.209 нусхада босилди. Ҳажми — 2 босма табоқ. Босилиш — офсет усулида. Босишга топшириш вақти — 19.00. Босишга топширилди — 19.00.

ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир — 39-70-40, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул котиб — 59-29-66, муҳбирлар бўлими — 59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.

Обуна рақами — 64615.

Муҳаррир
Зокир ОТАЕВ

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700029, Тошкент,
Наврўз кўчаси, 1.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамаси Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «ШАРҚ» нашриёт-матбаачилик концерни.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1, 2, 3, 4, 5, 6.